



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 14-mart, chorshanba № 11 (1074) 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz www.hurriyat.uz

“ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ХАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК” МАВЗУИДА АФҒОНИСТОН БҮЙИЧА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон раҳбари минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир стратегик қарашларини 2017 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида батафсил баён қилди.

5

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ, АММО...

„Ўзбекистон деган давлат барқарор туриши учун яна нималар қилишимиз керак?!“ мақоласини ўқиб

Бир донишманд айтганидек, Оллоҳ неъматларининг олийси идрок. Бироқ ҳар ким билганича идрок этади. Шу жумладан, Саид-Абдулазиз Юсупов ўзининг „Ўзбекистон деган давлат барқарор туриши учун яна нималар қилишимиз керак?!“ („Hurriyat“ 2018 йил, 8-сон) сарлавҳали улкан мақоласида ўз кўз қарашлари ва бугунги дунёни англашидан келиб чиқиб, идрок этибди.

6-7



ЎЗБЕК ТИЛИ ҲАҚИДАГИ КОНУНЛАРНИ НЕГА МЕНСИМАЯПТИ?

Хусусий матбуот, жумладан, хусусий телеканаллар очиб, фаолият олиб бориш қонунларга зид эмас. Аммо ҳар қандай хусусий ОАВда ҳам оммага тақдим этиладиган махсусотларнинг мазмуни ва адабий тил меъёрларига мувофиқлиги жиҳатидан сифати белгиланган талабларга жавоб бериши шарт.

7

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг „8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида“ги Фармони матбуотда эълон қилинди.
- 8 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг „Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида“ги Қарори матбуотда чоп этилди.
- 9-10 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Душанбе шаҳрида бўлди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига давлат ташрифи чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан бирига айланди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси Бишкек шаҳрида қирғиз тилида китоб қилиб чоп этилди.

БАҲОР НАШИДАСИ



Ҳар кунимиз Жаврӯз бўлсин!

Бийдай далаю даштни кесиб ўтган ўнқир-чўнқир асфальт йўлдан энгил автомобиль олиб бормоқда. Улов ичида ёши ўттизларга борган миктигина йигит, оналик бахти юзига янада гўзаллик бахш этган аёли ва шириндан-шакар икки фарзанди – ҳамма шоду хуррам. Наврӯз байрамини нишонлагани кишлоққа, ота уйига кетяпти. Айниқса, болаларнинг қувончи чексиз: бири олиб, бири қўйиб ота-онасини саволга кўмиб боради. Эрталаб шивалаб ўтган ёмғирдан кейинги тоза ҳаво, қуёшнинг илқ тафти, кўклам насими кишига янада хуш кайфият бағишлайди.

Кишлоқда тонг саҳардан байрам тадориги бошланган. „Бу йилги Наврӯзни бизникида нишонлаймиз!“ деган кишлоқ оқсоқолининг ховлисида иш қизғин. Келинлар ховлиларни, кўчаларни супуриб, тозалаб қўйган. Кайвони онахонлар, қиз-жувонлар ким нон, сомса ёпишга, ким бўғирсок пиширишга киришиб кетган. Кимдир янги

ундирилган бугдойни майдалаш билан овора, кимдир катта дошқозон бошида болаларга тош, ўтин теришни айтмоқда. Яқинда кишлоққа келин бўлиб тушган ёш жувон ховлида ўртоқлари билан ўйнаб юрган етти-саккиз ёшли болакайни чақиради: – Қоражон, бир челек сув олиб келинг, илтимос!

2-бет

БАДИИЙ АКАДЕМИЯДА ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ

Ўзбекистон Бадий академияси анжуманлар залида академиянинг ҳақиқий аъзолигига қабул қилинган 12 нафар янги аъзони тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, маънавият тарғибotchилари, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасини янада ривожлантириш, мазкур соҳада фаолият олиб бораётган мутахассисларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш борасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Шу кунга қадар Ўзбекистон Бадий академиясида 27 аъзо фаолият юритиб келаётган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Бадий академия аъзоларининг фаолият йўналишлари доирасида 2018 йилга мўлжалланган „Йўл хариталари“ни тасдиқлаш, унга кўра, янги аъзоларнинг ижодий, илмий-педагогик йўналишларда фаолият юритиши, жойлардаги мусика ва санъат мактабларида мастер-класс ва уchrashувлар ўтказиши, таълим йўналишида санъат ва санъатшунослик соҳалари бўйича мутахассисларни тайёрлашда иштирок этиши белгиланган.

Шунингдек, иқтидорли болаларни тарбиялаш ва жамоатчиликка таништириб боришда ташаббус кўрсатиш, халқаро кўرғазмаларда Ўзбекистон санъати ютуқларини муносиб намойиш этиш, тарихий ва замонавий ўзбек амалий санъатини республикамиз ҳамда хорижда кенг тартиб қилиш, халқаро маданий алоқаларни ривожлантириш, истеъдодли болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида фестивал ва биеннаделарда фаоллик кўрсатиш ҳам назарда тутилган.

Тадбирда Бадий академиянинг янги ҳақиқий аъзоларига диплом ва гувоҳнома-лар топширилди.

Гулноза БОБОВА, ЎЗА мухбири

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Киз берганга Қирқ йил тегма...

Тўртта киз чиқарса бир юз олмиш йил. Инсон ўзи неча йил яшайди? Терроризмга қарши кинони кўриб ўтирибман. Унда турли миллатга мансуб кишилар инсоният бахти учун терроризмга қарши биргаликда курашишни акс этган. Фильм қаҳрамонларидан бири ўзбек — жасур, орли, виждонли йигит. Энг оғир ҳолатларда қуролдош дўстлари унга суянади, унга ишонади.

Шариф исми бу йигит энг хавфли нуқталарга ҳам биринчи бўлиб боради. Тоштиники аҳоли даражада бажаради. Уни тошкентлик эканини, унинг уч қизи борлигини қуролдош дўстлари яхши билишади. Шариф ўлимдан қўрмайди. Аммо, ўлмаслиги керак. Чунки уйда учта қизи улғаймоқда. Шу қизларни узатиш керак. Қизлари бахтли бўлиб, ўзидан тиниб-тинчиб кетиши учун эса сеплар: тилла тақинчоқлар, қимматбаҳо кийим-кечаклар, мебель, опхона жиҳозлари, музлаткич, кир ювиш машинаси, микро-тўқинли печ, қудаларга бир

бир умр хўрлайди. Бунга Шариф чидай олмайди. „Сенинг киз чиқаришинг деярли, терроризм билан курашшдек гап экан“ — деди унга рус дўсти. „Нега энди кизининг отаси қувёни кийинтириши керак? — деб савол беради туркман дўсти. „Бизда бундай машамалар йўқ“, — дедилар бошқа қардошлар ҳам. Бир дўсти уйга кайтгач, онасини даволатишини айтади, бири эса хотинини денгиз бўйига олиб боришни айтади. Шариф эса хотини ҳам денгизни кўрган эмас, аммо у бечораларни ҳам киз узатиш деган, оғир юк босиб турибди. Фильм сўнггида террорчи гуруҳ яқсон қилинади. Минг афсуски, қонли тўқнашувда Шариф ҳалок бўлади. У билан видолашаётган қуролдош дўстлари у ҳақда энг яхши хотираларини айтади.

Газета — энг яқин дўст, маслакдош ва ҳимоячи ҳалидир

Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳада этинг. „Hurriyat“ да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.



“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

2-бет

ҲИСОБОТ

ИМКОНИЯТ БОР, МУҲИМИ — ТАЖРИБА ЕТАРЛИ, НАТИЖА

Газетанинг ўтган сонларида хабар қилинганидек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси Бадий публицистика кенгашининг бўлиб ўтган тахлилий-ҳисобот йиғилишида Уюшма томонидан тартиб берилган бадий публицистик тўпламлар, журналлар ва интернет саҳифаларида эълон қилинган материалларнинг савияси, мавзу қўламлиқлиги ва ижодкорларнинг маҳорат масалалари муҳокама қилинган эди.

Ушбу мақолада 2017 йил давомида босма оммавий ахборот воситаларида, хусусан, газеталар саҳифаларида аксини топган ана шундай материалларнинг савияси, ютуқ ва камчиликлар ҳақида ҳам мулоҳазалар юритилади.

Таъкидлаш керакки, ўтган даврда ижодкорлар, хусусан, таҳририятларда хизмат қилаётган журналистларнинг фаолиятида илҳомий силжилар кузатилди. Ижтимоий газеталарда чоп этилган турли жанрлардаги материалларда бугунги куннинг нафаси уфуриб турганлигига гувоҳи бўлиш қўнғилини кўтарди, умид уйротади кишида. Масалан, йирик бир мақолада маълум бир объектда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, уларда кечани-кеча, қундуз-кундуз

демай меҳнат қилаётган қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари акс этган бўлса, бирон-бир лавҳада илғор фермернинг иш тажрибалари ҳақида атрафлича ҳикоя қилиб берилган. Шундай портрет очерклар учрайдики, уларда келажакда бўлган ёшларни тарбиялаб, сабоқ бериш йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган тажрибали педагоглар, изланувчан, янгилик яратишга иштиёқманд олимларнинг фидойилиги ўз аксини топади. Айтилганлар бадий публицистик материаллар нисба-

тан эркинроқ ўрнини топаётган, тадқиқотимиз объекти бўлган „Маърифат“, „Ўзбекистон адабиёти ва санъати“, „Хуррият“, „Туркистон“ („Ёшлар овози“) каби газеталарда кузатилди. Масалан, халқ зиндилари газетаси „Маърифат“ мухбири Райхон Ҳужаеванинг „Дилором Мамашарипова: „Ўқувчиларим қадамимдан танийди“ (2017 йил, 1 январь) сарлавҳали очеркида Окдаре туманидаги 45-ИДУМнинг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, „Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси“ Дилором Мамашарипованинг ҳаёт йўли, ишлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Очеркда Дилоромнинг мактабда шўх, шаддод ўқувчи бўлгани, ёшлигидан математикага меҳр қўйгани, устози Турдимурод Абдурахмоновнинг қизиқишини сезиб, яқиндан ёрдам бергани, мисол, масалаларни ечишнинг янги усулларини ўргатганлиги ҳақида батафсил баён этиб берилган.

4-бет

► ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Камол топиб бораётган ёшларнинг муносиб касб-хунар эгалари бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этаётган ўқув даргоҳлари юртимизда кўплаб топилади. Талай йиллардан буён фаолият кўрсатаётган Ангрэн тиббиёт коллежи ана шундай масканлардан бири саналади.

Камол топаётган ворислар

Ўқув даргоҳи 2004 йилда коллеж маконида эга бўлгандан кейин таълим олиш сифати янада яхшиланиб, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу билим масканида бүгунги кунда 1130 нафар ёш ўқувчилар тахсил олаётир. Ҳозирги кунда бу ерда 4 та йўналиш — ҳамширалик иши, долаш, тиббий профилактика иши ва фельдшер лаборант йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланамоқда. Уларга 60 нафарга кам йорат кенг ва ёруғ ўқув биноси, 170 ўринга мўлжалланган қизлар ётоқхонаси, очик ва ёпиқ турдаги 2 та ўйингоҳ, ошхона, 20 мингдан ортиқ китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, 3 та компьютер синфи тарбияланувчилар хизматида. Ўқув маскани Япониянинг «JICA» агентлиги томонидан энг замонавий турдаги тиббий асбоб-ускуналар бевараз ёрдам сифатида келтирилган. Мутахассисларнинг саъй-ҳаракати билан қўчат етиштиришда анча донг чиқарган Кува туманидан бир неча ўзгун турли мевадари дарахт қўчатлари олиб келиб ўтказилди.

Ушбу билим даргоҳи вилоятдаги ўрта тиббиёт ходимлари тайёрлашда анча нуфузли маскан саналади. Бинобарин, бу ерда Охангарон, Ўрта Чирчик, Бўка, Покент туманларидан келган ёшлар ҳам тахсил олишади. Коллеж раҳбарияти томонидан педагог кадрлар салоҳиятини, таълим сифат ва самарадорлигини ошириш юзасидан изчил саъй-ҳаракат олиб боришмоқда. Айни пайтда бу ерда 46 та фан ва 5 та спорт тўғрисида фаолият кўрсатилади. Ўтган йили билим масканини 333 нафар ўқувчи битириб, уларнинг 82 фони иш билан таъминланди. Қувонарлиси шундаки, жорий ўқув йилида коллежнинг 5 нафар ўқувчиси кимё, биология, инглиз ва рус тилидан фан олимпиадаси шаҳар босқичида муваффақиятли катнашиб, биринчи ўринни эгаллади.

Ўқувчилар билимини, маънавиятини, дунёқараши янада юксалтириш учун коллежда тез-тез маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб туриш анъанаси айланди. Яқинда Ангрэн шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бўлими ва тегишли ташкилотлар иштирокида воёта етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан давра суҳбатиди бўлиб ўтди. Давра суҳбатиди шунингдек, тийжандлик, оммавий маданиятга эргашиб, қизилари эрта турмушга бериш каби салбий иллатларга йўл қўймаслик учун барча биргаликда иш олиб бориши зарур эканлиги таъкидланди.

Ўқув даргоҳида ёшларга билим ва таълим-тарбия беришда катта тажриба тўплаган малакали педагоглар кўп. Жумладан, Гуломжон Тожиёв, Махфуза Ётамбердиева, Олимжон Рўзиев, Жамила Дадоева ва Фуркат Исроиллов каби меҳри дарё соҳа фидойилари ёшларни эртани кунимизнинг муносиб ворислари этиб тарбиялашда жонкуярлик кўрсатишаётир.

Одильжон ЭРГАШЕВ

“Мақсадимиз экспорт”

► ҲАРАКАТДА-БАРАКАТ

Жорий йилнинг 21 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев импорт ҳажмини қисқартириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бу борада муҳим вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилиш ўтказган эди. Унда Давлатимиз раҳбари Маҳаллийлаштириш дастури ва импортни қисқартириш режаси ижросини чуқур таҳлил қилиб, йўлга қўйилган камчиликларни танқидий баҳолаб, уларни бартараф этиш, маҳаллийлаштиришни ривожлантириш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб берганди.



Аарҳақиқат, бугун импорт масаласи жиддий эътибор талаб қилмоқда. Чунки шу йиллар мобайнида тadbirkorларга қатор имтиёзлар, кенг имконият яратилди. Аммо импорт ханузу юқориликча қолмоқда. Бу барча тегишли ташкилотларга, ишбилармонлар ҳаммасига катта масъулият юклайди. Улардан рақобатдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, экспорт салоҳиятини кенгайтиришни талаб этади. Бу борада айни мавзу юзасидан тегишли ташкилот раҳбарлари ва тadbirkor фикри билан кизикдик.

Давлатимиз раҳбари аҳолини сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш, тармок қорхоналарини модернизация қилиш орқали импорт ҳажмини камайтириб, экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш борасида қатор топшириқлар бериб келмоқда, — дейди “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ботир Зарипов. — Шундан келиб чиқиб, йўл ҳаритаси ишлаб чиқиди ва айни кунда улар устида изчил саъй-ҳаракат олиб боришмоқда.

Жамиятимиз бир неча йиллардан буён қурилиш материаллари импортини қисқартириш мақсадида Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда мамлакатимизга кириб келаётган маҳсулотларнинг турини, миқдорини таҳлил қилиб келмоқда. Ички бозорда қайси маҳсулот импорт қўп бўлса, уни юртимизда ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Хусусан, ўтган йилда 2 167 та лойиха ишга туширилиб, 28,3 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бу йил ҳам ундан кам бўлмаган миқдорда турли катта-кичик лойихалар амалга оширилади. Бу ўз навбатида ички бозорни арзон ва сифатли қурилиш маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради. Айни кунда республикамизда 8000 га яқин қурилиш қорхоналари мавжуд бўлиб, улар томонидан 100 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётир. Лекин бу ички бозоримизга етарли эмас. Чунки мамлакатимизда йилдан-йилга бунёдкорлик, обodonлаштириш ишлари ортиб бормоқда. Бу эса қурилиш материаллари талабининг ор-

тишига, нарх-навоининг ошишига олиб келаётир. Шу бонс, ички бозорни тўла қондириш мақсадида товар турини 120 дан оширишни мўлжаллаб турибмиз. Масалан, маҳаллий хомашё асосида экспорт-бонс ва импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқариш юзасидан 29 та йирик лойихани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Улар орасида Германия технологияси асосида гулгоҳоз тайёрлаш ҳамда Шеробод туманида йилига 1,5 минг тонна қувватга эга цемент заводини ишга тушириш лойихалари бор. Жорий йилда ана шундай 18 та катта-кичик цемент заводлари қуриш ишлари бошланганини инобатга олсак, келгусида цемент экспорт қилиш имконияти ҳам яратилади.

Худудий дастурларга асосан Жарқўрғон, Қораўзақ ва Қўрғонтепа туманларида юқори маркали цемент, Термиз шаҳри ва Сирдарё туманларида каминг ва гўзапоа асосида ДСП тайёрлаш, Нурота, Ўрта-чирчик туманларида ва Қўқон шаҳрида гранит ва мрамор тошлардан замонавий қурилиш материаллари, Форш туманида базалт аматурси каби қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойихаларини ишга тушириш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда. Мазкур лойихалар амалга ошса, республикамизга импорт қилинаётган қурилиш материалларига бўлган талаб босқичма-босқич маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қопланади. Қолаверса, мамлакатимизда мавжуд хомашёга эга бўлмаган товарларни ҳам ишлаб чиқариш учун четдан хомашё келтириб, ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режаси бор. Бу ички бозорни арзон маҳсулот билан таъминлаб, ташки бозорга сотиш имкониятини беради.

Айтиш мумкинки, 2019 йилда металл ва ёроч маҳсулотларидан ташқари, деярли барча қурилиш материаллари республикамизда ишлаб чиқарилади ва ички бозор тўлиқ таъминланади. Ундан ортагали экспортга йўналтирилади. Бугун экспорт салоҳиятини ошириш учун қўшни давлатларнинг импорт ўрганилмоқда. Уларда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари бўлгани бонс, қурилиш маҳсулотларига эҳтиёж катта. Шу сабабли келгусида уларга экспорт қилиш бўйича қатор режалар ишлаб чиқилган.

Бу борада тadbirkorларимизнинг режаларини билиш мақсадида «AGRI PARTS OSIYO» МЧЖ раҳбари Аҳмад Гадоевни суҳбатга тортидик.

— “Асосий мақсадимиз мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаш. Бунинг учун, аввало, икисодиётимиз рақобатдор бўлиши, маҳсулотлар юртимизда ишлаб чиқарилиши зарур”, дея таъкидлаган эди Юртбошимиз мазкур йиғилишда. Бу сўзлар биз тadbirkorларга ҳам маълум вазифалар юклайди.

Бугун тadbirkorларга ва хорижий инвесторларга қулай шароитлар яратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг хорижий ҳамкорларимиз ҳам юқори баҳоламақда. Агар конвертация масаласи ҳал этилганини олдидан бўлсак, шунинг ўзи катта имкониятлар эшигини очди. Савдо ҳажмининг ошишига, инвесторларнинг ишончини орттиришга туртки бўлди.

Жамиятимиз ҳам бир неча йилдирки, юртимиз фермер хўжалиқлари ва трактор паркларини арзон қилмоқда хўжалиги техникалари, эҳтиёт қисмлари билан таъминлашда — АКШ, Германия, Голландия, Италия, Туркия давлатларининг йирик агро компаниялари билан ҳамкорлик қилиб келади. Жумладан, Италиянинг McCormick фирмаси билан тайёр техникалар хариди бўйича шартнома имзоланишига ҳали қўп бўлмади. Қиска вақт ичида яхши натижаларга эришидик. Бир йил мобайнида улардан замонавий, ёқили тежовчи, экологик зарарсиз, евро стандартларга мос бўлган минитракторларни харид қилдик. Уларнинг қулай ва арзон техникаларига фермерларимизда ҳам қизиқиш катта бўлди. Айни кунда ҳамкорлигимиз билан бир қатор лойиха устида иш олиб бормоқдамиз. Қолаверса, туркиялик шериклар билан қилмоқда хўжалигига зарур бўлган эҳтиёт қисмларни юртимизда ишлаб чиқариш ва экспортини йўлга қўйиш борасида ишлар қилинмоқда. Мазкур лойихаларимиз амалга ошса, шубҳасиз, экспорт салоҳиятимиз ошадди, асосий мақсадимиз ҳам шундан иборатдир.

Бобур МУҲАММАДИЕВ тайёрлади.



Киз берганга Кирк йил тегма...

Бошланғич 1-бетда

“Инсоният бахти ва тинчлиги учун ҳалок бўлган шундай мард одамнинг қизларига уйланаётган йигитлар наҳотки, уларнинг қўлларига қарашса, ахир уларнинг отаси ўша қуёвларнинг тинч яшаши учун ҳам жонини қурбон қилдику, ахир.

Фильмини кўрганимдан кейин бир неча кун ўзимга келолмай юрдим. Мухташам тўйхоналар ёнидан ўтар эканман, ноҳақ камситилаётган келинларни ўйлайман. Келин томон олиб келган мебелларни қайтариб юбораётган йигитнинг ота-онаси, келин томон ясангирган уйнинг пардасидан, гиламларидан, биллур идишларидан камчилик топаётган қайноналар, тилла соат, тилла узук, машина дардида шама қилиб, қистирма гап қилаётган қуёвлар кўз ўнгимдан ўтиб, юрагимда оғрик пайдо бўлади.

Қанча тadbirkorлар ўтказдик, қанча учрашувлар, давра суҳбатларида ташвиқот ишларини олиб бордик. Афсус бундай тарғиботлар кўзлаган натижани бермади.

“Мен тadbirkorман, ўз пулимга ўзим хўжайинман, хоҳласам минг кишилик тўй қиламан. Тўйдан кейин келин саломга 200 та янги урфдаги қўрпадан тарқатиб қудаларни ҳам, маҳаллани ҳам оғзини очиб қўяман” — дебди бир тadbirkor қўшинимиз.

Хой, барака топкур, сиз қачон бой бўлиб қолдингиз? Қайси халқнинг орқасидан бой бўлиб қолдингиз? Қайси ҳукумат сизнинг тadbirkorлик ҳаракатингизга кенг йўл очиб берди? Қайси ҳукумат қарорлари асосида мулкнингиз кўпаймоқда?

Сизнинг йиққан-терганингизни давлат химояламаса жамғармаларингизни қўриқлаб турмаса, сиз ким бўлардингиз?

Тўқликка шўхлик нечун?!

Сиз бой бўлсангиз, қўшинингизнинг топиш-тутиши сизникидан камроқ бўлса, бу сизга қўни-қўшни, маҳалладагиларни камситишга ҳуқуқ бермайди. Сиздан кўра оддийроқ яшайдиганларга паст назар билан қарашга ҳақингиз йўқ!

“Киз чиқарганга кирк йил тегма” — дейдилар. Битта қизини чиқарсаку майли эди, агар иккита, учта, тўртта қизини чиқарса-чи? Одам ўзи неча йил яшайди?! Тўртта қизини чиқарса, кирк йилдан бир ўз олтимиш йил яшаши керак-ку?!

Дабдабозлик, мактанчоқлик, исрофгарчилик, киминдир камситиш, тўй баҳонасида “совға”, “тўёна” деган ном остида порахўрлик қилиш қайси виждонининг иши?

Азиз замондош Ўзбекининг уйларидаги митти Абу Райхон Берунийларни, жажжи Хоразмийларни, зийрак Ибн Синоларни, сизнинг тўй баҳонасида ўйлаб топаётган хурмача қилиқларингизга хайрон бўлиб қараб турган қичкина ал-Бухорийлар, ат-Термизийлар келажатини ўйлайлик. Тўй, чакирик, бешик тўйи, куда қарлар, қуданинг туғилган қуни, бошлқнинг таваллуд айёми каби ўзингиз ўйлаб топган “анъаналар”да ичиб, маст ҳолатда келишга хонадонингиздаги митти Нахшбандийлардан, Фикдунвийлардан, Замахшарийлардан уялинг.

Тўйлар қилайлик, шодланайлик аммо маънавий қиёфамизни йўқотиш эвазига эмас. Бир-биримизни йўқлайлик, бирлашайлик, дардлашайлик, аммо қараларга ботиб, инфаркт, инсульт олиб, қурбон бериш эвазига эмас.

Зулфия МУМИНОВА, шоира

Бошланғич 1-бетда

Янгасининг уни бундай чакирганига ўртоқлари пикиллаб қуладди. Боланинг жажди чиқади.

— Она, қаранг, янгам мени яна Қоражон деяпти!

Янга бўлиш чўчиб тушади, лабини тишлайди. Икки юзи дув қизаради.

— Ха, қора бўлганидан кейин Қоражон, демай, Оқйигит, десинми? — бўғирсок пишираётган онаси эрка ўзини қойидай, кейин бироз унга ён босади. — Янгамжонки, ўғлимга тузуқроқ от қўя қолинг.

— Хўп бўлади, эна! — келин уялганидан челакини қўтариб, бошини эгиб тураверади.

Бола янгасидан хафа бўлса-да, барибир уни яхши кўргани учун, ҳурмат қилгани учун бориб челакини олади ва ўртоқлари билан қудуққа чопади.

Бир кун олдин қурилган ўчоқларда шўрва, наврозгўжа, халим бўклилаб қайнайди. Уйда, ўн бир болалорли катта хонада қилмоқда ёшларнинг чой ичиб, бу йилги дехқончилик, чорвачилик ҳақида гурунглашиб ўтиради.

— Худоба шукур, бу йил ариқларда сув мўл, — дейди бир умр дехқончилик

қилиб ўтган, соч-соқоли оппоқ нуруний чол. — Насиб қилса, ҳосил-да, чорва-да, балки-да бу йил кўп бўлади.

— Айтганингиз келсин, — дейди ўтган йили фермер хўжалигини ташкил қилган ёш элликлардаги киши. — Шу десангиз, ёшулдилар, ўтган йилги буюдой ҳосилдан бироз қолган. Шунини овулдаги қўли юпка, кам таъминланганларга тарқатсам дегандим.

— Жуда яхши гап айтдингиз!

— Эл-юртта қайишганининг давлати кам бўлмайди.

— Савоб иш қилган яхши.

Хамма бараварига маъқуллайди.

— Туюв кунини йўлда раҳматли Жумабой аканинг бола-чақасини қўриб қолувдим, — дейди қилмоқда чўпони фермерга қараб. — Анча ўзларини олдириб қўйибди. Шуларни қанотингга олсанг, иш берсанг жуда катта яхшилик қилган бўлардинг-да.

— Бош устига, эртагаёқ менга учрашсин. Ўзим ҳам анчадан бери шу нарсани ўйлаб юрувдим.

— Ўтган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

— Утган йили қўчиб келган муаллим йигит хани, келдикми? — деб чол қўлини пешонасига қўйиб атрофга қарайди.

Хар кўши нюз Наврўз бўлсин!

— Шу ердан, — дейди поингада ўтирган ёш йигит.

— Тўй-маъракаларга аралашиб турибсанми?

Йигит кимтиниброқ оғиз жуфтлагунча, меҳмон — окскол унинг ўрнига жавоб беради.

— Аралашиб турибди, баъзан йигит, нима хизмат айтсак йўқ, демайди.

— Баракалла! Эл қошига эл келса, уям элнинг давлати. Қовун-повун экишга-ку, томорканг бордир. Буюдой ташлашга ер беришдими?

— Ха, раҳмат! — дейди йигит миннатдорлик билан ва фермерга ишора қилади. — Акага раҳмат, тобга келиб турган еридан ажратиб бери.

Фермер яхши гапдан гўдаиброқ қўяди. Қосаларда Наврўзгўжа тортилади.

Бояги улов эгаси қилмоқда қираверилмади қабристон олдига тўхтади. Қабристон ўтлардан тозаланган, хаммаёқ ораста. Йигит ўтларнинг ҳақиқа

дуо қилади ва қилмоқда йўл олади.

Овулнинг норғул, бўз йигитлари очик майдонга похол ташлаб, унинг устидан кизиб ё брезент тўшайди. Бўлажак қураш қўпқарини, хўрозу қўчқор уриштиришни муҳокама қилади.

— Бош товоқни ким оларкан? — дейди новчарқ йигит ичи кизиб, қўйиб берса ўзи ҳам қураш тушмоқчидай ҳаволини.

— Ким бўларди, Иброҳим полвон-да! — дейди иккинчиси “шуни ҳам билмайсанми?” дегандай хайрон бўлиб.

— Ай йў-а, Иброҳим полвонининг машқи пастроқ шу кунларда, — дейди учинчиси. — Менимча, Содик полвон олади-ё.

Қайси қуни бир тўйда манаман деганининг курагини ер искатганини ўзим кўрдим.

Учов гурунглашиб турганда улов келиб, тўхтади. Ичидан йигит тушиб, хормасин айтиди. Учов юғуриб келиб, булар билан

сурашди. Новча йигит хайдолачи бўлишининг укаси бўлади. У акиси билан қучоқлашиб қўришади.

— Яхши келдингизларми? — дейди у машинадан чопиб тушган жияларини даст қўтариб, юзларидан чўшллатиб.

— Раҳмат, ўзинг қалай? — дейди ука укасининг юзидан ненидир уқмоқчидай тикилиб.

— Шу, юрибмиз, — дейди укаси қилмайиб.

— Қураш бўлади? — ака брезент тўшалган жойда ишора қилади.

— Ха, — дейди ука. — Тушасизми?

— Йў-е, биз қаридик, давра энди сизларники, — қулади ака. — Уйга ўтасанми, юр.

— Сизлар бораверингизлар, хал бир-икки ишимиз бор. Уйда қўришамиз.

Ака дилдагини айтмоқчидай тарадудланиб туради, мавриди эмаслигини фаҳмлаб, уловга ўтириб қалади. Новча йигит акасининг ортидан меҳр билан қараб қолади.

Улов уйга келгач, қовли завқ-шавққа тўлиб кетади.

Қариндош-уруғ, қўни қўшни ҳаммаси йиғилиб улар билан қўришади. Бир оғиб, бири қўйиб уларни алқаб, ҳурмат-иззат кўрсатади. Йигит уловининг юкхонасини очиб, шаҳардан келтирган совға-саломини улашади. Аёл қайнонасининг, оёсинининг, хотинларнинг “Ўзингиз энди келдингиз, чой-пой ичиб олинг, йўлда чарчаган чихарсиз!” деганига қарамай, ўчоқ томонга йўл олади, болалар қилмоқдаги тенгқурулри билан ўйинга киришиб кетади. Йигит овулнинг ёшларини билан қўришиб кетади. Йигит овулнинг ёшларини билан қўришиб кетади.

Шундан сўнг хамма қўчага, дехқончилик, чорвачилик билан боғлиқ уду му маросимларни бажарган далага йўл олади. Аёллар сумалак пиширишни бошлаб юборади. Хамма яхши ният билан сумалак

қовлайди. Бўйи етиб, кирк қокли ўзига ярашиб турган қўз сумалакни қовлаётганда, янгаси шаҳарлик оёсинига қўзини қисиб, гап қотади.


— Оёсинжон, шаҳарда эрингизга ўхшаган яхши, одоли йигитлардан бўлса, айтинг, шу қайинсинглимизни узатайлик.

— Хўп бўлади-да, — дейди шаҳарлик келин хазилни тушуниб. Даврада енгил кулгу кўтарилади.

Киз хўрақ оқудай дик этиб ўрнидан туради ва “Э, янгал!” деганча уятдан ловлов ёнган юзларини қўллари орасига яшириб қочиб кетади. Аёллар “Уялиб кетди қизгина” дейишиб яна қулишиб олади.

Қураш қўпқари авжига чиқади. Удумга қўра, қурашни аввал нуруний болалар бошлаб беради, даврага фазл қиритиб, ёшларни қурашга ундайди. Сўнг ёш болалар гиламга чиқарилади. Полвонлар гиламга чиқётганда аввал ўнг оёгини босади, қўлларини ерга теккизиб, оёғи ердан узилмаслигин

► ФАРМОН ВА ИЖРО



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий икки бориш Навоий вилояти бошқармаси ходимларига хизмат автомашиналари ва скутерлар топширилди.

► ФИКР

Three Barbie dolls are shown standing side-by-side, each wearing a different style of floral dress. The doll on the left wears a short, sleeveless dress with a large floral pattern and a high slit. The doll in the middle wears a similar short, sleeveless dress with a large floral pattern and a high slit. The doll on the right wears a short, sleeveless dress with a large floral pattern and a high slit. All three dolls are wearing high-heeled shoes.

COBFAMU,
FABFOMU?

з мумкинки, болалар
аша билиш, қалбига
ўлга йўналтирувчи
имдир. Ана шундаги-
га эмас, дилбандлари-
жобий самара беради.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири

ИМКОНИЯТ БОР, ТАЖРИБА ЕТАРЛИ, МУХИМИ — НАТИЖА

Бошлангич
1-бетда

Вақти келиб Д.Мамашарипованинг ўзи ҳам устози каби шогирдлар тайёрлади ва улардан олти нафари айни пайтда ўзи билан бир мактабда ишламоқда.

Очеркда мохир педагогнинг ўқувчилар билан дарс ўтиш услуби, интерфаоллик жиҳатлари батафсил таҳлил этилганки, булар ёш педагогларга сабоқ бўла олади. Унинг "Хавас", "Мамашариповдек бўлман", "Энг билимдон аёл", "Ўқитувчи бўлиш бунча яхши экан", "Қўтаринки руҳда ўтилган дарснинг самараси катта" каби сарлавҳаларга бўлинишни ўқувчи эътиборини тезда тортишга хизмат қилган.

Журналист Исроқ Исмоиловнинг каламига мансуб "Лида чеч" сарлавҳали ("Маърифат" 2017 йил, 8 апрель) яна бир очеркда Лиданинг ўзбекона расм-рўсм, урф-одат, анъаналарга тўла-тўқис риоя қилиб, руҳи танига батамом сингдириб фақат онаси мустақамлиги учун ўзигини фидо қилгани ибратли таразда ишорачи акс эттирилган. Муаллиф уларнинг чин мухаббатини, соф севгини, садоқатини барча қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтишга хизмат қилганини таъсирчан ифода этган. Ушбу очерк бутун оила мустақамлиги низоҳатда долзарб масалага айланган, бир ноҳўра сўз, биргина тини ёки гумон оқибатида оила деб номланган муқаддас гўша тўғиб кетаётган бир пайтда низоҳатда ибратлидир.

Муаллиф гоҳида маҳалламизда фалончининг келини арабча кетиб қолди, пистончининг уйида жанжал чиқибди, ниманидир талашибди, сулаларимиз, деган гапларнинг қулқунча қилиниб қолгани, ёшларнинг бесабрлиги, ҳаммасига бирдигани эришини иштишлари, бу эса оила, турмушнинг бузилишига олиб келаётгани ҳақида афсусланиб ёзар экан, уларга Мамашарипов ва Лиданинг ҳаётини намуна қилиб кўрсатади.

"Мулоҳаза қилиб кўрсак, Лида чеч ўзбек аёллари билан бахslashиб, уларга ўхшашга астойдил уриниб, эришиб, умр кечирганга ўхшайди гўё", — деб ёзади муаллиф.

Мамашарипов вафот этган, Лида чеч ўн фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаб, вояга етказди. Уч кизи ўқитувчи, яна уч кизи фермер хўжалигида ишлайди. Ўғли Абдор муҳандис гидротехник. Шухрат — мелиоратор. Рауф — афрон уруши қатнашчиси. Очерк шундай аяқланган: "Лида чеч ва Мамашарипов бонинг кечирган умр йўли одамийлик қиссасидек таассурот уйғотади: ҳеч бир арасиз, таъна-таъмасиз, соф муҳаббат, садоқат ва саботга тўла шунақа самимий, ҳар ёнидан бахт нафаси уфуриб турибди."

Яна бир долзарб мавзунини ўз ичига олган "Инсониятга тинчлик ва омонлик керак" деб номланган ("Маърифат", 2017 йил, 27 апрель) публицистик мақола ҳақида тўхталиб ўтамиз. Унинг муаллифи тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Маъруфовдир.

"Глобализация бугунги дунё манзарасини, оммавий ахборот

воситалари таркатаётган хабару маълумотларни кузатиб туриб, кинининг акли шошади. Ўзингизга ўзингиз савол берасиз: хўш, инсон учун энг олий қадрият нима, одамзод нимага қараб интилоқда? Бу саволни ер юзидаги ҳар қайси миллат, элат вакилига берманг, бир хил жавоб эшитасиз: "Бизга тинчлик ва омонлик керак!"

Муаллиф айни даврда олиб бориётган мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида фикр юритиб, уларни шундай сўзлар билан аяқлайди: "тинчликни асраб-авайлаган, уни қадрлаган ва мустақамлаш учун ўзини барча имкониятларини ишга солаётган миллатнинг эртаси порлоқ, турмуши хамиша фаровон бўлади".

Мустақил — "Хуррият" газетасини ҳам ўз муштарийларини хушнуд қилаётган нашрлар сирасига қиритиш мумкин. Газетанинг кенг қамровлиги, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий — маърифий мазмунлари мунтазам таразда пишиқ, пухта, ўзига хос кўринишдаги материалларнинг бериб борилаётганини, тахририят ходимларининг ишга, ижодга жиддий муносабатда бўлишлари натижасида газетанинг ўқувчиларига манзур бўлаётганини эътироф этиш керак. Таъкидлаш лозимки, "Хуррият"да турли жанрларда яхши ёза оладиган журналистлар гуруҳи шаклланибди. Масалан, фаол, доимо ўзининг долзарб мавзулардаги мақола, интервьюлари билан ўқувчилари хурматини қозонган журналистлар Адиба Умирова ва Ситора Тождинова айниқса, интервьюда жанридаги чиқишлари билан ўқувчилари эътиборини қозонмоқда. С.Тождинованинг "Энди сўзга симаз бизларнинг суҳбат..." (2017 йил, 13 февраль) интервьюси Ўзбекистонда халқ шоири Усмон Азимов билан ўтирилган. "Хуррият" турли "руқни остида тайёрланган ушбу суҳбат шеър ва сўз ҳақида бўлган. Таниқли шоир адабиётимизда ижодкорнинг масъулияти, шеърнинг ўрни, унинг тарбиявий аҳамияти, замонаш шoirларнинг ижоддаги ўринлари, биродарлиги, фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида мароқли мушоҳада юритилган. Муаллиф суҳбатдошга жуда маъмули, бутунли кунда қўнчилиқнинг қўнчилиги, тилининг учиде турган саволларни топиб берадики, ўз навбатида бу саволларга суҳбатдош аниқ, қўнчилиққа фойдали бўладиган жавоблари билан бийитган. Суҳбат жанри ана шундай муҳим жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

Журналист Адиба Умированинг бир мақоласи "Маънавиятимиз учун энг кераклиқ..." (2017 йил, 24 май) деб номланган. Адиба миллатнинг руҳи, ҳеч қимга ўхшамаган ўзлиги ва маънавий мулки — тил ҳақида ўз фикр, мулоҳазаларини билдиради. У узок тарихга эга бўлган туркий тилининг босиб ўтган йўли, бу тилда ижод қилган Алишер Навоий, Бобур Мирзоларнинг тилимиз раънаки учун қўнган ҳиссалари ҳақида мушоҳада юритаётган экан, кундан-кунга тилимизнинг ўзига хос бойлиги ва фазилатларидан узоқлашиб бораётганимиздан дили ўқийди, қатор саволларга жавоб излай-

ди. "Тилга эътиборимиз қандай", — дейди муаллиф, — ёки ундан завқланмай қўйганмиз. Савод масаласидаги айрим хатоликларни "табиий" қабул қилганмиз. Умуман, лисонимиздаги сўзлар микдорини ҳеч ҳисоблаб чиққанмизми? Бу апрофимиздагилар билан мулоқот — муносабатга киришни билан бирга, тасаввур оламимизни бойитиш учун етарлими? Ўз тилимиз замирида ётган тарих билан мизикласанг, дунё билан қандай қилиб бўйлаша оламиз?"

Мақолада телевидение бошловчиларининг нутқидаги қусурлар, шевачиларнинг зарарли жиҳатлари, нашриётларда босилиб чиқаётган бадий асарларнинг тили раъиз ва тўмоқлиги, кўчалардаги эълон, баннерлардаги ёзувлар риж-риж имловий хато-лардан иборат эканлиги, лекин нима учундир, бунга ҳеч қим эътибор бермаётганини ҳақида қўйибди ёзилган. Албатта, шу каби чиқишлар билан жамоатнинг фикрини қўзғатиш, қолаверса, соҳа мутахассисларига мутасаддиқларини огоҳ этиш мақсади мувофиқ бўлади. Муаллиф мақоласининг сўнгига айтаётганидек: "Тил — бутун гапирлиб, эртага унутиб юриладиган масала эмас. Тилимизни муҳофаза қилмасанг, диниётимизни йўқотамиз. Тилин жуда соддалаштириш ёки мураккаблаштириш керак, деган фикрдан йироқмиз. Бирок, истемол қилаётган сўзларимизнинг маънавий юки бўлиши керак. У мавсумий либос эмас, маънавий киёфамизни кўрсатиб турувчи қўзғувчи. Бунини унутмайлик..."

"Хуррият" газетасида маънавиятимизнинг қон томири бўлган одоб-ахлоққа оид мақолалар тез-тез бериб борилади. Ёш журналист Мухаммаджон Хўжаевнинг газетда чоп этилган "Тунги муҳбир репортажи ёҳуд "оммавий маданият" томирини озиқлантираётган гўшлар" репортажи (2017 йил, 31 май) анча шов-шувга сабаб бўлган материаллардан бири бўлди. Репортажда пойтахтимиздаги тунги клубларнинг иш фаолияти атрофида ўрганилиб, уларнинг қирққорларини фойда қилган. Журналист суриштируви асосида тайёрланган репортажда "Пантера", "Легион", "Пандора", "Дон", "Динара", "Алис", "Релес", "7X7X" каби тунги клублардаги ичкиликбозлик, алмои-ал-жойи рақслар, фохшибозларнинг маконида айланган бу масканларнинг маънавиятимизга низоҳатда катта зарар келтираётгани, аммо ҳеч қим уларнинг мушугини "пишиқ" демаётгани ҳақида батафсил ҳикоя қилиб беришган. Репортаж муаллифининг ўзи ўша жойларда бўлиб, кузатиб, ҳатто баъзи мижозлар билан суҳбат қилиши асосида тайёрланган. Муаллиф тунги клублардаги ақл бовар қилмайди, лекин воқеалар беъмаъни қилиқлар, оддий инсон зоти қўриб, ҳайратдан ёқа ушлайдиган ахлоқсизликлар, беъмаъна қилиқлар, фахшга ботганларнинг мансур фикрларини қандай бўлса, шундайлигича таърифлаб берган. М.Хўжаев тунги клублардаги бу ахлоқсизликларга нега эътибор берилмаётгани, уларнинг пайи қирққилаётгани борасида ҳақли саволлар беради, ҳайратланади, азият чекади.

"Туркистон" ("Ёшлар овози") газетасининг ҳам 2017 йилдаги фаолияти анча унумли бўлди, дейиш мумкин. Газета саноатининг мамлакатимиз ёшларининг ҳаёти, турмуш тарзи, ўқиши, иш фаолияти ҳақидаги турли жанрдаги материаллар бериб борилади. Газетда ўтган йили босилган материаллар билан танишганимизда, нафақат пойтахтдан, мамлакатимизнинг вилоят, шаҳар, туманларидан тайёрланган материаллар, муаммоли мақолалар, фаол ёшлар ҳаёти ва иштини акс эттирган лавҳа, очеркларнинг мунтазам бериб борилишининг гувоҳи бўлдик. Ана шундай материаллардан бири газета муҳбири Феруза Жўраеванинг "Юрт фахрига айланман" деб номланган (2017 йил, 28 январь) лавҳасидир.

Ўзбекистон белгиси кўракни шонли совриндорларни руқни остида босилган лавҳа қаҳрамони Олот туманидаги 25-умтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Моҳиғул Хўжаева. Унда Моҳиғулнинг ёшликда қоқ адабиётга қизиқгани, 9 ёшидаёқ шеър ёза бошлагани, унинг ижодий ишлари "Олот ҳаёти", "Истиқлол гунаҳлари", "Бухоро муаллими" газеталарида босилгани, "Бу ашш олам" номли илк шеърлар тўплами босилиб чиққанлиги ҳақида ёзилган. Лавҳа билан танишган киши билимдон, интилувчан, ташкилотчи, келажакка тегар қарайдиган замонамиз қаҳрамонини тўлақонли тасаввур қила олади.

"Туркистон" муҳбири Миролми Исажоновнинг "Сенинг тенгдошин" руқни остида босилган "Қатий ирода — ғалабасинг омили" (2017 йил, 22 февраль) номли лавҳа қаҳрамони Фирдавс Мусаев. Фирдавс Андижон олимия захиралари коллежиде маҳоратли мураббийлар Нодир Абдуллаев ва Кирилл Есенинов етакчилигида машқ қилиб, олдин вилоятда юқори натижаларга эришпади. Унда Фирдавснинг 2015 йил Сингапурда бўлиб ўтган ёшлар ўрта-синидаги жаҳон чемпионатида қучли бешликдан жой олгани, бир йил ўтиб, Польша очик чемпионатида иштирок этган ҳамюртимиз шохсупанинг юқори лавонасини банд этганлиги ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинган.

"Туркистон" газетаси 2017 йилнинг август ойидан "Ёшлар овози" номи билан йирик форматда чоп этила бошлади. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, адабий-бадий нашрига айланган.

Газетда давр ёшлари ҳаётидан турли мавзуларда муаммоли, тахлилий-танқидий материаллар ҳам тез-тез чоп этилмоқда. Унинг 2017 йил, 2 август сониде иқтидорли журналист Нарғиза Умарованинг "Олди-берди, узат-кестир қачон тугайди, ахир!" сарлавҳаси остида бир саноат мақола босилган. Мақолада жамоиятимизда авж олиб кетган порахўрлик, унинг илдиэлари, сабаблари ҳақида батафсил мулоҳаза юритилган. Муаллиф ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан келган фикрлар асосида жуда кўп соҳалардаги вазиятни ўрганган. "Таассуфки, ҳамма ҳам ҳалол яшаши инти-

лаётгани йўқ", — деб хулоса қилади у, — жамоиятимизда порахўрлик иллати кундан-кун урчиб, қўзланган мақсадга ортиқча сарф-харажату бировни "рози қилишлар"сиз етиш қўнчилиқ учун мушкул, баъзилар учун эса иложсиз бўлиб қолди. "Олди-берди"лар бугун ҳамма соҳада бор. Еган оғиз уялмаяпти, аксинча, яна бер, устига қўш, дейдиганлар кўпайиб қолди. Бу баъзан ҳатто табиий ҳолдек қабул қилинмоқда".

Ушбу нашрда эълон қилинган Кумар Бекниязованинг "Бўлди, бошқа тугмайман!" (2017 йил, 26 июль), "Марди-корлик қасб эмас" (2017 йил, 5 август), "Уюшмаган ёшлар: Ким қаерда, нима учун?" (2017 йил, 12 август), "Диплом эмас, билим муҳим" (2017 йил, 30 август), Санжар Эшмуродовнинг "Эйлини масҳара қилманг!" (2017 йил, 27 сентябрь) мақолаларини қиритиш мумкин.

Кенгашининг ушбу тахлилий йиғилишида 2017 йил давомида бошқа ижтимоий газеталарда эълон қилинган публицистик материалларнинг бадий савияси, ижодкорларнинг фаолияти масалалари ҳақида ҳам фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Албатта, газеталарда босилган турли жанрлардаги материалларда сифат даражаси бирмунча ошди, даврий нашрларда тахлилий, тақидий материаллар чоп этила бошланди. Яна бир жиҳати, ОАВда жамоатчиликнинг, оддий газетхонларнинг фикрлари ҳам ўз ифодасини топаётгани қувонарли ҳолдир. Булар яхши, албатта. Аммо кузатишлардан шулар кўзга ташланадики, айрим газеталарда бир-бирига ўхшайдиган материаллар кўп. Лавҳа, очерклар бир қилидан тушгандек. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ҳали мавзуларини тахлил қилишда ижодкорларда қасб маҳоратининг еттишмаслиги, жанр хусусиятлари маромига етказилмаётгани кузатилади. Булар очуқ қаҳрамонлари ёшларнинг шу қасбини севгани, унга фалончи устоз йўл кўрсатгани, кейин шунча шогирд тайёрлагани ва ҳоказо мисолларда қўринадилар. Очерк, лавҳаларда қаҳрамонлар доим яхши кайфиятда бўлади, у фаолияти давомида ҳеч бир монеликка учрамагандек, бундай айтадиган, ҳеч бир қийинчиликсиз ютуқларга эришаверадилар. Қаҳрамоннинг ютуққа эришиш жараёнида қандай қийинчиликларга дуч келгани, иродаси қандай шаклланигани, унинг иш жараёнидаги баъзи тўсиқ ёки зиддиятлар ҳақида деярли ёзилмайди.

Ўзбек ижодкорлари катта тажрибага, имкониятларга эга. Орамизда қалами, сўзи ўткир ёзувчилар, журналистлар жуда кўп. Шукрки, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида янги давр бошланиб, янгиқа фикрлашга йўл очилди. Ижодкор учун катта ва кенг имкониятлар берилмоқда. Ана шуларни ҳис этган ҳолда, одамларнинг дарду ташвиш, муаммоларини ўрганиб, ижод мақсулларини ўқувчиларга янгиқа таразда, кўп ва кўп манзур қилсак, ҳаммамнинг қўнчилиги иш бўлар эди.

Юсуфжон ҲАМДАМОВ,
ЎЗМУ доцент,
филология фанлари номзоди

» ФАОЛИЯТ

Республикаимизда турли мулкчилик шаклидаги 1800 дан ортиқ матбаа корхоналари фаолият юритмоқда. Уларда ҳар йили 4 мингдан ошмиқ номда 60 миллиондан зиёд нусхада китоб маҳсулотлари чоп этилади ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Матбаа саноати янада юксалади



Юртимизда матбаа корхоналарининг фаолияти, ривожланиши учун, энг аввало, мустақам қонуний асослар яратилганини таъкидлаш ўринлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида" фармони, 2017 йил 17 августдаги "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида" қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек, унинг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Алоҳида қайд этиш лозимки, бугун тегишли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, замон талабларига мослаштириш юзасидан ҳам амалий ҳаракатлар олиб боришмоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида матбаа фаолиятини тартибга солиш тўғрисида", 2002 йил 27 декабрдаги "Матбаа корхоналарини рўйхати олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида"ги қарор ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш билан бовлиқ қарорлар лойиҳалари тайёрланмоқда. Шубҳасиз, бунинг натижасида матбаачилик билан шуғулланиш истагида бўлган тадбиркорларга янада қулайлик ва эркинликлар яратилади.

Лекин, афсуски, барча матбаа корхоналари фаолияти ҳам бугунги кун талабларига жавоб беради, деб бўлмайди. Чунки аксарият корхоналарнинг моддий-техник базаси эскирган. Профессонал мутахассислар кам. Қолаверса, аксарият матбаачиларимизда ташаббускорлик, соҳага инновацион технологияларни татбиқ этиш бўйича изланиш ва интилиш етишмайди. Бу эса ўз навбатида китоб маҳсулотларининг сифатсиз чоп этилишига сабаб бўлмоқда.

Ҳабарингиз бор, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ўтган йилнинг август ойида ижодкор зиёлилар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимидаги мавжуд муаммолар, чоп этилаётган китоблар ҳам мазмун, ҳам матбаа жиҳатидан орқада қолгани кескин танқид қилинган эди. Орадан кўп ўтмай, яъни 2017 йилнинг 13 сентябрда давлатимиз раҳбарининг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тартиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарор тизимдаги муаммоларни бартараф этиш, соҳани янги сифат босқичига олиб чиқиш, мазмундан саё, миллий маънавият ва қадриятларимизга мос келмайдиган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар механизмининг белгилан берди.

Хусусан, қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 24-бандида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ноширлар ва матбаа ходимлари малакасини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ўртасида қўшма қарор имзоланган. Ҳозир матбаа корхоналари ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини оширишга йўналтирилган ўқув курсларини ташкил этиш чоралари қўрилмоқда. Шунингдек, тез орада Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги қoшида Матбаа саноатини ривожлантириш инновацион маркази ўз фаолиятини бошлади. Марказ матбаа мутахассисларининг билим ва тажрибаларини ошириш билан бирга, соҳага инновацион роҳлар ва технологияларни жалб этишга қўмақлашиш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизда барча соҳалар қатори матбаачиликка ҳам жиддий эътибор қаратилмоқдаки, бу қичи келажакда соҳанинг юксалиши, юртимизда жаҳон стандарти талабларига жавоб бера оладиган матбаа маҳсулотлари тайёрланиши, ўқувчи-китобхонлар қўлига янада юқори сифатдаги китоблар етиб боришига хизмат қилади.

Ш.ЮСУПОВ,

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бошқарма бошлиғи

Матбаа соҳасида кадрларга бўлган эҳтиёж қандай?

» СЕМИНАР

Тошкент матбаа-ноширлик қасб-хунар коллежиде "Матбаа соҳасида инновацион технологияларни бошқарадиган замонавий кадрлар тайёрлаш муаммолари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи директори К.Маҳмамов, Фафур Фулом номидеги нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Т.Қўлиев ва бошқа-

лар мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаа, кутубхоначилик, ахборот-ресурс соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва уни янада ривожлантириш, унинг моддий-техник

базасини такомиллаштириш, соҳада кадрлар салоҳиятини мустақамлаш борасида самарали ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаа фаолиятини ривожлантириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида 10 дан зиёд қонун ва 150 дан ортиқ қонунности ҳужжат қабул қилиниб, соҳада мустақам ҳуқуқий база яратилди. Бугунга

келиб оммавий ахборот воситалари сон қарийб 4 мартага, нашриётлар 13 қарра ва матбаа корхоналари 12 баробарга кўпайиб, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти сезиларли даражада яхшиланибди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 11 августдаги "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш ва янги

босқичда давом эттиришда муҳим ҳужжат бўлаётди. Семинарда Тошкент матбаа-ноширлик қасб-хунар коллежи фаолияти ва унинг моддий-техник базаси тахлил қилинди. Матбаа ва ноширлик тармоқининг кичик мутахассисларга бўлган эҳтиёжи атрофида муҳокама этилди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда бир минг етти юздан зиёд матбаа корхонаси фаолият юритмоқда, дейди Тошкент матбаа-ноширлик қасб-хунар

коллежи директори Н.Тўйқулова. — Бизнинг муассасамиз мазкур корхоналарга ўрта махсус маълумотли кичик кадрларни тайёрлаб беради. Коллежнинг 800 дан ортиқ йигит-қиз "Матбаа ишлаб чиқариш техник-технолог", "Дастурий инжиниринг техник", "Ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси", "Бухгалтер" сингари 6 йўналиш бўйича таълим олмоқда.

Г.БОБОЕВА,
ЎЗА мухбири

“ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК” мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси

» ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан Марказий Осиё давлатлари билан амалий, ўзаро манфаатли ва яхши кўшнилик муносабатларини шакллантириш, минтақада хавфсизликни таъминлашни ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгилади.

Ўзбекистон раҳбари минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир стратегия қарашларини 2017 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида батафсил баён қилди. Сўнг ўтган йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги конференцияда давлатимиз раҳбари Марказий Осиё, жумладан, Афғонистонда мустақкам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро миссиядаги қўшма сарф-харажатларнинг кенг қамровли дастурини тақдир қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқларидаги давлатимизнинг умумий қарашлари, унинг Марказий Осиё ва Афғонистондаги жорий вазият, ривожланиш истиқболлари берган баҳоси халқаро ҳамжамиятда катта кизкиш уйғотди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Евроосиёнинг “юраги”да жойлашган Марказий Осиё Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприқдир”. Минтақамиз табиий ресурсларга бой, бу ерда кўпқалла маданий ва бутун минтақалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳияти мавжуд.

Шу билан бирга, Шавкат Мирзиёевнинг фикрича, Марказий Осиёда жаҳоннинг қудратли давлатларининг манфаатлари кесимишда, бекарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқлари га туташ бўлган ушбу минтақа яқин ва узоқ хорижда рўй бераётган барча салбий жараёнлар таъсирини ҳис этмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти адолатли саволларни ўртага ташлади: минтақада вазият қандай ривожланади? Бу ерда қандай сценарий устун келади — низо ва қарама-қаршиликларни ёки ҳамкорлик ва тараққиётни?

Бу саволга жавоб равшан — энг аввало, барчаси Марказий Осиё давлатлари минтақанинг

умумий келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга нечоғли тайёрлигига боғлиқ.

Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган Ўзбекистон минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшнилик ҳудудига айланишдан бевосита манфаатдор.

Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидек: “бизнинг бош мақсадимиз — умумий сарф-харажатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққиёт этган минтақага айлантиришдан иборат”.


Айни пайтда энг долзарб ва ўткир муаммолардан бири — кўшни Афғонистондаги низоли халқларнинг турб олдимизда турган мақсадларга эришишнинг иложи йўқ, чуқури у тарихий ва геосиёсий жиҳатдан минтақамизнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Афғонистонда тинчлик ўрнатил — Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва тараққиёти кафолатидир. Самарқанддаги халқаро анжуманда сўзга чиқар экан, Ўзбекистон Президенти хавфсизликка таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратилган воз кечил, “яқин хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш зарурлигига тўғриван-тўғри даъват қилди.

Тинч Афғонистон Марказий Осиё давлатларининг, Хинд океани ва Форс кўрфеизи портларига энг қисқа йўлини таъминлаши, Хиндистон, Эрон ва Покистонни Европа ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғлаши мумкин.

Шу муносабат билан Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишнинг асосий масалалари бўйича кенг ва каттиқ халқаро консенсусни тасдиқлаш, мамлакатда миллий ярашув бўйича афғонистонликлар раҳбарлигида ва уларнинг сарф-харажатлари билан амалга ошириладиган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон доимо Афғонистондаги вазиятни сиёсий жиҳатдан тартибга солишнинг каттиқ тарафдори ҳисобланган ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатимиз кўшни давлатни иж-



тимоний-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу жиҳатдан Шавкат Мирзиёев томонидан Афғонистон билан ҳамкорликда жорий йилнинг 26-27 март кунлари Тошкент шаҳрида “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ўтказилди.

Мамлакатимиз афғон муаммосига бағишланган деярли барча халқаро форумларда фаол иштирок этмоқда. “Қобул жараёни”, “Москва формати”, “Осиё юраги — Истанбул жараёни” форуми, Афғонистон бўйича халқаро алоқа гуруҳи, “ШХТ — Афғонистон” алоқа гуруҳи, Афғонистон бўйича минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси шулар жумласидандир.

19 январь кунин Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик кенгаши йиғилиши давомида Ўзбекистон ва Афғонистон томонидан Тошкент форумининг қўшма тақдироти ташкил этилди.

Тошкентдаги конференция яқинда Афғонистон пойтахтида бўлиб ўтган “Қобул жараёни”нинг иккинчи йиғилишидан сўнг бўлади ва халқаро ҳамжамият томонидан ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган сарф-харажатларнинг маънавий давомидир.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Ислот Республикаси Президенти Ашраф Ғани сўзга чиқдилар.

Тошкент учрашувида иштирок этган БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш ва

ташкilotнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Мотерини, шунингдек, Хитой, Россия, АКШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Хиндистон, Эрон, Покистон, Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташқи сиёсий маҳкамалари раҳбарлари тақдир этилган.

Форум иштирокчилари минтақавий ва глобал даражада тез орада Афғонистон ҳукумати билан “Толибон” ҳаракати ўртасида ҳеч қандай дастлабки шартларин илгари сурмасдан тўғриван-тўғри музокарада ўтказиш зарурлиги ҳусусида умумий нуқтаи назар баён этилиши қўшилмоқда.

Конференция якуни бўйича Тошкент декларациясини қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, унда қўйидаги муҳим жиҳатлар ўз аксини топиши қўзда тутилмоқда:

биринчидан, тинчлик жараёни афғонистонликларнинг бевосита раҳбарлиги ва уларнинг сарф-харажатлари билан БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари ва қарорлари низомида мувофиқ амалга ошиши керак;

иккинчидан, қуролли мухолифат Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига кафолатли интеграция қилиниши ва қўнуғий сиёсий қуч сифатида этироф этилиши тинчлик жараёнининг муҳим омил ҳисобланади;

учинчидан, халқаро ҳамжамият терроризмининг ҳар қандай шакл ва кўринишига қарши бўлиб, трансмиллий терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчилик таҳдидлари нафақат Афғонистон, балки умуман, бутун минтақа ва жаҳоннинг барқарорлиги ва изчил тараққиётга умумий хавф саналишини этироф этади.

Тошкент конференцияси арафасида, шунингдек, ҳамкорлик

нинг янги шаклидаги “Марказий Осиё + Афғонистон” (C5+1) биринчи йиғилиши бўлиб ўтади. Ушбу формат Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий ва инфратузилма алоқалари тизимида муваффақиятли интеграцияси, умумминтақавий миссиядаги аниқ лойиҳа ва дастурларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

Тошкент конференцияси ҳақидаги ташаббусни илгари сурар экан, Ўзбекистон уни бир марталик тадбир сифатида ўтказиш билан чекланиб қолмай, ундан кейин ҳам икки ва кўп томонлама муносабатлар доирасида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги сиёсий жараёнга қўмақлаштишга ўз ҳиссасини қўшишда давом этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий стратегиясини амалга ошириш асносида Ўзбекистон афғон муаммосини тинч йўл билан ечиш бўйича сиёсий жараёнининг фаол иштирокчисига айланишда. Бу жараёнда асосий роль ва жавобгарлик ўз мамлакатига келажагини белгилаши ва қўриши керак бўлган афғонистонликларнинг зиммасида эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз.

Тошкент конференцияси олдидан турган юксак мақсадлар, шунингдек, унинг ишида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча доимий аъзолари, ШХТга аъзо давлатлар ва Афғонистонга қўшни мамлакатлар, жумладан, Марказий Осиёнинг бешта мамлакат иштирок этиши бутун дунёда форум ишига катта кизкиш уйғотмоқда. Тадбирини ёритишда каттапиши учун жаҳон оммавий ахборот воситалари вакилларининг катта гуруҳи таширф буюриши қўшилмоқда.

Ўзбекистон пойтахтидаги халқаро учрашув якунилари Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, унинг изчил ривожланиши учун шароит яратиш йўлидаги муҳим босқич бўлиб, афғон халқининг фаровонлигини ошириш ва уни минтақа ва умуман бутун дунёдаги бунёдкорлик жараёнига жалб этишга хизмат қилишига умид қиламиз. Тошкент форумининг муваффақияти минтақа давлатларининг тинчлик ва тараққиёт учун кент имкониятлар эшигини очган ҳолда, биргаликдаги сарф-харажатлар билан умумий муаммоларни ҳал этишга қўйидаги намоён қилиши даркор.

**Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги
Матбуот хизмати**

» ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ

Бугунги кунга келиб дунё аҳли 7 миллиарддан ортиқни ташкил этмоқда. Қайсидир ҳудудларда туғилиш тез суръатлар билан илдамлаётган бўлса, қарорлардадир бу кўрсаткич пастлаётганига гувоҳ бўляпмиз. Маълумки, жаҳонда турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Маълумотларга қараганда, айни кунлар сайёрамаида 6 мингта халқ истиқомат қилади. Айтиш жоизки, ҳар бир халқ ўз тарихи, ўтмиши, бугуни ва келажагига эга.

ЙЎҚОЛИБ БОРАЁТГАН ХАЛҚЛАР

Бирок дунёда айрим халқлар ҳам борки, келажақда уларнинг вакиллари, турмуш тарзи ва маданияти йўқолиб кетиш арафасида. Сабаби, улар кундан-кун ривожланиб кетётган нанотехнологиялар ва замонавий шахарсозликдан чекка ҳудудларда яшамокда. Навбатдаги саёхатимизда ана шу халқлар ҳақида сўз юритамиз.

Кениянинг шимолий ва марказий ҳудудларида истиқомат қилувчи ярим қўшманчи Самбуру халқи вакиллари сони бугун 160 мингтани ташкил этади. Самбурулар, асосан, чорвачилик билан кун кечиради. Йирик моллар, шунингдек, эчки ва туяларни боқиб, кун қўради. Мазкур халқ 1600 йилларда Масаи халқидан ажралиб чиққан. Айни кунда барча Самбурулар битта туманда истиқомат қилади.

Мазкур халқларда бошқарув шакли геронтократия усулида бўлиб, оксоқоллар никоҳга розилик билдирувчи асосий шахслар ҳисобланади. Уларда 30 ёшга тўлмаган эркеклар катта ёшли киши мақомига эга бўлолмайдилар. Самбурулар оиласи, одадта, 1-5 кишидан ташкил топади. Улар тураржойларини буталар билан ўраб олишга одатланган.

Болаларга 6-7 ёшдан чорвачилик ўргатилади. Чўчки Кургоқчилик масуми пайти чорвани қандай бошқариш тадбирларини ўрганиш ҳам жуда муҳим. Бундай ҳол у ерларда тез-тез тақрорланиб туради.

Самбуру халқи тимсолини кўпроқ Ғарб оммавий маданияти тасвирланган суратларда, голливуд киножодкорлари томонидан ишланган фильмларда ва Ғарб теледастурлари ҳамда мақолаларида учратиш мумкин.

Навбатдаги йўқолиш арафасидаги халқ Папуа — Янги Гвинеянинг Сатери-Хайленд ҳудудида минг йиллардан бери яшаётган ҳулилардир. Бугунги кунда уларнинг сони 150 мингтани ташкил этади. Ҳулилар, асосан, кланлар (уруғ жамоалари) га бўлиниб истиқомат қилади.

Ҳулиларда кўп ҳотинликка йўл қўйилса-да, қариндошлар ўртасидаги никоҳга рухсат берилмайди. Келин оиласи қалин пули сифатида маълум сонли жонлиқни олади. Ҳули халқи аёллари уй қўрилиши учун масъул ҳисобланади. Бундан ташқари, болаларни парваришлаш, поллиз эканларини этиштириш ва чорвани қўлайтириш ҳам уларнинг зиммасида.

Ҳулиларда оилавий ажралишларнинг сабаби битта бўлиши мумкин — у ҳам бўлса, фарзанд кўролмастик. Бу халқнинг ўзига хос одадларидан яна бири — 10 ёшга кирган йигитлар оталари билан бирга яшайди.

Койсан тилида сўзлашувчи, овчилик ва йиғиб-терувчилик билан шугулланувчи жануби-африкалик халқлар жамоаси — Бушменлар ҳам йўқолиш арафасида. Улар Ангола, Ботсвана, Замбия, Зимбабве, Намибия, Жанубий Африка Республикаси ҳудудларида истиқомат қилади. Аҳолиси 100 мингга яқин мазкур халқ инглиз тилидан таржима қилинганда “дашт одами” деган маънони билдиради. Бушменлар бошқа халқ вакиллари билан бўй-баста билан осон фарқланади. Уларнинг бўйи паст, энг баланди 150 сантиметрни ташкил этади. Бушменлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаганга одатланган. Гуруҳлар бир неча оилалардан ташкил топган. Айтиш жоизки, гуруҳларда раҳбарлар йўқ, лекин ёмғирни қақириб, турли маросимлар ўтказувчи, руҳлар билан алоқа қилувчи ва касалликларни доловчи сеҳргарлар — шаманлар бор. Бушменлар жамиятининг асосини жуфтликлар уюшмаси ташкил этади. Бирок кўпхотинлилик мазкур уюшмага путур етказмоқда.

Бушменларнинг миллий таомлари ҳам антиқа. Уларнинг сеvimли “Бушмен гуручи” номли таоми чумолилар личинкаси билан тайёрланади. Қовурилган чигиртка эса хушхўр бушмен ширинликларидан бири.



Бушмен кизлари туяқуш туҳуми, ўтлардан тайёрланган биллазуқлар, бўялган суюқлар ҳамда ўсимлик уруғлари билан ўзларига оро берадилар.

Хиндистон ҳудудида йўқолиб бораётган яна бир халқ — Ладакхилар борки, улар айни кунда 57 минг кишини ташкил этади, холос. Хинд воёйиси ва қўллар атрофидан яшовчи бу халқ, асосан, қишлоқ ҳўжалиги билан шугулланади. Ладакхилар Хиндистон ва Хитой, Мўғулистон ҳамда Тибет ўртасидаги савдо ишларида фаол иштирок этади. Улар маданият жиҳатдан тибетликларга яқин туради.

Яна бир хинд халқи — Ваорани атиги 4 минг кишидан иборат бўлиб, Эквадор шарқида яшайди. Ваорани тилида сўзлашувчи мазкур халқ вакиллари ҳам паст бўйли. XX асрнинг иккинчи ярмидан буюн Ваораниларнинг асосий қисми овчилик ва йиғиб-терувчилик билан шугулланиб келмоқда. Улар доим яшаш учун ўрмон ичидаги қишлоқларни маъқул қўрган.

Г.ТУРСУНПУЛОВА тайёрлади.

» БУ ТУРФА ОЛАМ

ЭНГ УЗУН ПОЕЗД

Ҳар жиҳатдан илгор хитойликлар эндиликда энг узун поездни ишга туширишмоқчи. Узунлиги 415 метр, 16 та вагондан иборат юқори тезликдаги “Fuxing” поездининг илк синовлари Пекинда бўлиб ўтди. Уни “CRRC Tangshan” компанияси ишлаб чиқарган.

1,1 мингдан ошқ йўловчига мўлжалланган янги поезднинг тезлиги соатига 315 километрни ташкил қилади, узунлиги эса ҳозирги темир йўл поездларидан икки баробар кўп.

Ишлаб чиқарувчилар жами 28 та синов ўтказилиши режалаштирилган ва шундан сўнг лойиҳалаштириш ва уларни тайёрлашга киришишларини билдирди.

Поездар тўлиқ Хитойнинг ўзида ишлаб чиқарилиб, узоқ муддат ва ишончли хизмат қилиши кўтилмоқда.



ЯНА СМАРТФОНЛАР ҲАҚИДА

Смартфонларнинг саломатликка зарари ҳақида кўп гапирляпти, тадқиқотлар ўтказилляпти. Аммо нисон улардан узоқлашмиш ўринга тобора яқинлашиб бормоқда.

Америкалик эндокринолог олим Роберт Ластинг ҳам смартфонлардан келадиган доимий хабарлар миёга салбий таъсир кўрсатишини қайд этди. Мутахассиснинг сўзларига қараганда, бу ҳол миёнинг доимий қутиш кайфиятидаги босими остида қолишига сабаб бўлади ва жиддий ўзгаришларга олиб келади.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, америкаликларнинг ижтимоий тармоқлар, почта ва мессенжерларни тез-тез текшириб туриши оқибатида уларнинг 86 фоизида стресс келиб чиқиши маълум бўлди.

— Бу миёнинг қўллаб қўғиш функцияларига жавобгар префронтал бўғишдан ишдан чиқишига олиб келади. Охир-оқибат ўзини-ўзи аҳоқона тутишни бошлайсиз, — дейди олим.

ХОЛЕСТЕРИНГА ҚАРШИ ВОСИТА

Холестерин бу ёғли спирт демакдир. Улар липопroteinнинг турли кўринишлари сифатида қон таркибида бўлади. Липопroteinлар майда қон томиларини бекитиб қўйиши ва юрак қон-томил тизими бузилишини келтириб чиқариши мумкин.

Франциялик олимлар бунинг олдини олиш йўлини топишди. Бир неча йил аввал яратилган қонда холестерин миқдорини пастлаштириб, инсулът ҳамда инфаркт хавфини 15 фоизга камайтирадиган аллюрқумаб препаратини ўзини оқлади. Ушбу дори воситаси им-мун тизимига ҳужум қилувчи мод-д

ГИТЛЕР ҚАЧОН, ҚАНДАЙ ЎЛИМ ТОПГАН?

Фашизм отаси Адольф Гитлер ҳақида турли мин-миллар юрарди, қимдир уни урушдан сўнг Лотин Америка-сига қочиб кетган деса, қимдир узоқ йиллар тирик юрганини гапирарди. Аслида-чи, фюрер жанобларнинг тақдирини нима билан яқун топган?

Россия тарихи институти ил-мий ходими Василий Христоф-оровнинг берган маълумотиға кўра, 2000 йилларда Гитлернинг ўз жонига қасд қилгани ҳақида-ги ҳақиқат ошқор бўлган эди. Унинг айтишича, ўша йили аме-рикалик профессор ФСБнинг марказий архивида бўлган ва

фюрернинг бош суягини кўриш учун рухсат сўраган.

— Шу пайт, архив ходимлари учун қўйилмаган бир ҳолатда у портфелидан Гитлер ҳаёлиги вақ-тида туширилган бош суягининг рентген суратини олиб, архива-даги бош суяк билан солиштирган ва ҳамма томондан мос келет-ганини таъкидлаган, — дейди Христофоров. — Агар натижалар мос келмаганда, албатта, шов-шув кўтарилган бўларди. Тақди-қотин қайтиб кетгач, унинг ушбу таширфи ҳақида ҳеч қарерла маълумот берилмади.

Иккинчи жаҳон уруши охи-рида ушбу рентген суратини Америка махсус хизмати яши-ринча сақлаб қўйган экан.



лардан организмни химоя қилади. Қонда холестерин миқдори юқори бўлган беморлар ушбу дориға қабул қилиши натижасида бевақт ўлим хав-фи икки йил мобайнида 29 фоиз па-сайган.



Хуллас, расмий хабарларға кўра, 1945 йил 30 апрелда Берлин совет ҳарбийлари томонидан қамал қилинган, Гитлер хотини Ева Браун билан бирга ўз жонига қасд қилган. Унинг жасади рейхс-канцеляриясида қўйилган.

**Интернет материаллари
асосида Х.АХМАДЖОНОВА
тайёрлади.**

► МУНОСАБАТ

Бир донишманд айтганидек, Оллоҳ неъматларининг олийси идрок. Бироқ ҳар ким билганича идрок этади. Шу жумладан, Саид-Абдулазиз Юсупов ўзининг "Ўзбекистон деган давлат барқарор туриши учун яна нималар қилишимиз керак?!" ("Hurriyat" 2018 йил, 8-сон) сарлавхали улкан мақоласида ўз кўз қарашлари ва бугунги дунёни англашдан келиб чиқиб, идрок этибди. Бунинг ҳеч қандай ҳайратланарли жойи йўқ. Чунки, ҳар бир инсон идрок этишда ўз ақлининг раҳнамоси бўлгиси келади.

ХАҚДАН БОШҚАГА СИҒИНИЛМАЙДИ

"Бугун жамиятимизга янги бир ғоя, мафкура керак. Мафкураки, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ватандошларимизни ягона бир байроқ остида руҳан бирлаштирувчи ва айни замонда ҳар бир ватандошдан бу ғоя учун жонини қурбон қилишга ҳам қодир кучли бир ғоя керак" дейди Юсупов.

Бу гаплар менга коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган даврни эслатди. Бир байроқ остида бирлашиш ва керак бўлса, жонини ҳам қурбон қилиш — бу сўзлар кўп йиллар мобайнида кулоқларимиз остида жанглар турди. Миллионлаб одамлар коммунизм учун, Ленин учун ва Сталин учун ўз жонларини қурбон қилишди. Иккинчи жаҳон уруши пайтида жангчи жанг майдонига танг ахволда қолганида "Сталин учун" деб ўзини-ўзи портлатиш оммавий тус олди. Ҳозирги пайтда "Оллоху акбар!" деб ўзларини портлатиб кўплаб бегуноҳ одамлар, айниқса, ёш болалар, аёллар ва қарияларнинг ўлимига сабаб бўлаётганлар тўридан-тўғри жаннатга кетдик, деб ўйлашди. Йўқ, бу жиҳод эмас, сиёсий буюртмани бажариш. Мансаб талашиб бир-бирларидан ўч олаётган гуруҳлар аслида мусулмон деган номга доғ тушироқчалар. Уларнинг орасида геосиёсий манфаатни кўзлаган ёвуз кучлар турбиди.

Айтмоқчи бўлган фикрим шуки, мафкуранинг вазиғаси инсонларни тарбиялаб, уларни бир максад йўлида бирлаштириш экан, бунинг учун кимларгадир сиғиниш ёки кимларнидир қурбон қилиш юзаси мутлақо тўғри келмайди.

Юсупов мафкура борасида олдимизда тўрт хил танлов турганини айтди. Биринчиси миллатчилик руҳиди мафкура. Мен буни жуда хавфли мафкура сифатида бутунлай инкор этаман. Эслан чиқарманг, Украинадаги ҳозирги вазиғ украин миллатчилиги билан рус шовинизмининг тўқнашуви оқибатида юз берди. Ўзбекистон миллатчилиги рад этганилиги учун ҳам ҳалқимиз ҳозиргача тинч яшаб келяпти. Бироқ биз ҳамон маҳаллийчилик деган иллатни бутунлай бартараф этишда оқсаямиз.

Диний-монархик мафкура ҳам бизга тўғри келмайди. Тўғриси, биз диний кадрларда айрим араб ва бошқа баъзи мусулмон мамлакатларга нисбатан устуниш. Монархияни эса рад этамиз. Ҳозирнинг ўзида ай-

рим кардош халқлар монархик қўришлар тузоғига тушиб қолаётганидан ташвишдамиз. Чунки, монархия ҳукмронлиги остидаги айрим давлатларда мураккаб вазиғлар юзга келаётганидан хабардоримиз. Буни нафақат Осиёдаги, балки Европадаги баъзи давлатларда ҳам кузатиш мумкин.

Мақолада тилга олинган консерватив ҳамда либерал-демократик мафкуралар эса бизнинг нафақат келажатимизга, балки ўзгичимизга, яъни миллий, диний ва маънавий қадриятларимизга, ўзбекона урф-одатлар ва анъаналаримизга, умуман, бутунги турмуш тарзимиз илдизларига болта уради. Шунинг учун биз ҳар қандай сунъий қадриятларни ҳам, чексиз эркинлик ва қатъий мажбурийлик каби тартиб-қоидаларни рад этамиз.

Хўш, бизга қандай мафкура керак?!

Бизга кўп асрлар давомида шаклланиб сайқалланган, миллатимизга хос, турмуш тарзимизга ярашқили, миллий ва маънавий қадриятлар сифатида ҳаётимиздан мустақкам ўрин олган урф-одатларга мантқан ҳамонам, Қуръон ва Ҳадис талабларига мос, бошқарувда адолатнинг устунигини таъминлашга хизмат қиладиган мафкура керак. Назаримда жамиятда, бошқарувда, эътиқодда, умуман, бутунги қанда ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар ана шу мафкуранинг шаклланиши учун қудай имкониятлар яратмоқда. Яъни одамлар Қуръон ва Ҳадис ўқишга даъват этиляпти, улуғ алломалар, олимлар ва мутафаккирларнинг ҳикматларини ўрганишга қизиқиш кучайди, жамиятда адолатсизлик учун кураш бошланди, ҳато ва камчиликлар очик айтиляпти, маънавий ва маърифий тарбия қўлайтириляпти. Албатта, битта қарор ёки фармон билан инсоннинг тафаккурини ўзгартириб бўлмайди. Бугунги кунда ҳаётимизда ва тафаккуримизда юз бераётган ўзгаришлар, фикрлаш, англаш ва идрок этишдаги тушунарларимиз ўзимизга мос мафкурани шакллантираётганлигини инкор этиб бўлмайди. Бизнинг мафкурамиз Ҳақдан бошқа сиғинишни тартиб қилмайди.

Шу жиҳатдан олганда, мен Юсупов айтган банданинг Ҳақ олдидаги даражаси унинг молу дунёси-ю, бошқаси билан эмас, балки нисбатан билан белгиланади, деган фикрга қўйиламан.

ЗУРЛАРИНИНГ ҚОШ-ҚОВИГИ

Мен "Манфаатсиз сиёсат бўлмайди" деган сарлавҳага остида берилган фикр-

ларни тўлиқ маъқуллаган ҳолда ўз фикрларимни қўшимча қилмоқчиман.

Расман ҳозир ер юзиде БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгаши ҳукмронлик қилади. Аслида эса Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзоси ҳукмрон. Қадимда бундай ҳуқуққа Намруд ҳам, Фиръавн ҳам, Византия императори Ҳеракл ҳам, умуман, ҳеч бир салтанат, султонлик, империя, подшолик, киролик эга бўлмаган. Шу бешта доимий аъзодан биттаси қарши овоз берса ёки вето қўлласа, ҳеч қандай қарор ва ҳужжат қабул қилинмайди. Бу олиғ ҳақамлар орасида бутун бир Африка қитъасидан битта ҳам, аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлган 60 та давлатдан битта ҳам аъзо йўқ. Бу ер юзидеги икки миллиард мусулмон ва Африкадаги бир миллиарддан ортиқ қора танли аҳоли давлатлар ва халқларнинг тақдирини ҳал қилишда ўз овозига эга эмас дегани. Айтайлик, вето қўллаш ҳуқуқига эга бўлган доимий аъзолар сафиде 61 миллионли Франция ва 68 миллионли Буюк Британия бўлгани ҳолда ҳамон бир ярим миллиардли Хиндистон ёки 260 миллионли Индонезия йўқ.

Бу мутлақо БМТнинг ўзига, унинг Бош Ассамблеяси ёки Хавфсизлик Кенгашига, ёхуд БМТ Бош қотибига бориқ эмас. Менинг кўз олдимдан кетмайди: Ироқ қонга беланганида Кофи Аннан иложсизликдан бутун дунёга илтижо қилиб ёлворган, Фаластиннинг Ғазо секторига икки кунда беш юз нафар гўдак ўлдирилганида Пан Ги Мун хўнграб йиғлаган, ўтган йили Мьянмада хандаклар мусулмон гўдакларнинг жасадларига тўлганида эса БМТнинг ҳозирги Бош қотиби бутун инсониятни қайта-қайта раҳм-шафқатга чакирди. Ҳозир ҳар кун Суриядаги ваҳшийликни қўриш учун инсонда иккита юрак бўлиши керак.

Гап шундаки, бугунги БМТ ва унинг тизимлари ислоҳ қилинмаса ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Вето қўллаш ҳуқуқига эга бўлган бешта доимий аъзо ислохот масаласида оёқ тираб турибди. Кейинги ўттиз йилда Хавфсизлик Кенгашидаги мавжуд ҳолатни ўзгартириш учун Ёсир Арофат, Нельсон Мандела, Кофи Аннан, Уго Чавес, Саадат Хусайн, Муаммар Қаддафий, Исро Каримов, Махмуд Аббас каби ва бошқа кўплаб арбоблар кураш олиб боришди. Ҳеч бўлмаганда БМТ Бош қотибига ёки Бош Ассамблеяга алоҳида ваколат бериш юзасини илгари суришди. Мутлақ ҳақамликдан ажраб қолганини истамган давлатлар миқ этилган. Яқинда Экваториал Гвинея давлати раҳбари "уларнинг шу қилганига" "БРИК" асосида бошқа халқро ташкилот тузишни таклиф қилди. Бразилия, Россия, Хин-

дистон, Хитой ва Жанубий Африка Республикаси иттифоқи ҳудудига қарийб тўрт миллиардга яқин аҳоли яшайди.

Юсупов мақоласида зўрларнинг сиёсати борасида айтилган нозик гапларни такрорлашнинг ҳолати йўқ. Аслида зўрларнинг таъсир ва таъинқ ўтказиш, ўз йўриғига юриштиш, фитна уюштириш, тош отиш, баҳона-сабаб излаш, режими ўзгартириш билан бориқ технологиялари жуда кўп. Улар баъзан зымдан, баъзан очик ҳаракат қилишади. Баъзан зўравонлик ўрнини буюкдавлатчилик ва буюкмиллатчилик йўналишидаги ахборот хуружлари эгаллайди.

Демак, Ўзбекистоннинг келажagini ва эртанги кунини ўйлайдиган бўлсак, фақат мустақил ташкил сиёсат юритишда эмас, балки мафкурамизга мос тарбия-ташвиқот ишларини олиб боришда ҳам ҳушёрлик талабларидан келиб чиқиб зўрларнинг қош-қовоғига қарашимизга тўғри келади.

"АХЛАТ" ЮТАЁТГАН МИЯ ХУСУСИДА

Чингиз Айтматов ҳақ. Миямиз "ахлат" билан заҳарланиб бўлди. Энди уни тазолаш учун қайта тузилишимиз керак. Аслида қайта тузилган билан ҳеч нарса ўзгармайди. Хўш, нима қилиш керак?!

Мен сизнинг ташвишларингизга қўйиламан. Аммо жавобни сиз билан бирга излар эканман, халқимизга мурожаат қилиб: "Азизлар, ҳали ҳам кеч эмас, ёшлар онгини заҳарлашни тухтатайлик!" дейман. Эй нафс, оруз-хавас кишиданан кет, дейди Абу Али ибн Сино. Инсоннинг онгини, руҳиятини, маънавиятини, дунёқарашини ўзгартираётган иллатнинг номи — нафс. Одамлар тобора тулкимижоз бўлиб борапти. Жалолидин Румий бу дарднинг кўзгатувишини "эхтиёж" деб атабди. Носир Хисрав эса ўзгарувчан инсонларга: "Вафода бўлулган бўлулган асло, ҳар он ул ўзга гул бошида шайдо" деб таъриф берибди. Хушомадгўйлар, мунофиқлар ва тулкимижозлар бевафод бўлулган ўзгичаси. Абдулқодир Бедил дейди: "Сурбетлик хислари тубандир, тубан, лек ҳаёга қарар қилор кўз билан". Беҳаё, ярим яланғоч ёшлар қувалашиб-қувиллаб, қучоқлашиб-ўпилаб, маймунга ўхшаб сакралиб ҳаёси бор инсоннинг устидан қулишса, қўраги ва тиззаси очик қизлар телекранга чиқиб: "Жаннат бизнинг оёқларимиз остида" деб такаббурлик қилишади. Дод деб юборгингиз келади.

Саид-Абдулазиз ука, буларнинг ҳаммасини қўриб, қўзатиб, ҳайратланиб турибмиз. Сиз айтган айрим интернет сайтларини қўриш ва ўқишга юрак бетламайди, виждон йўл қўймайди. Айниқса, санъат де-

ган улур номга доғ тушираётганлар қўнайиб кетди. Ёшларнинг баъзи концертлари орангутанларнинг тунги базмига, Фарбога таклид қилувчи баъзи ансамблларнинг чиқишлари мартишқаларнинг қийқириғига, телеэкранларда намоиш этиладиган баъзи видеоклиплар ёш болаларнинг бекинмачок ўйинига ўхшайди. Улар қаймақдан, аксинча, қўнайиб бораётганига сабаб шуки, икки ўртада "нафс" деган иллатнинг куч-қудрати ҳукмрон. Олди-берди бор экан, нафс ҳаққалак отаверади, нафс бор экан, эҳтиёжни қондириб, одамларни маънавий жиҳатдан тарбиялаб бўлмайди. Шундай экан, аввало, нафсининг пайини қирқадиган омиллар ишга солиниши керак. Акс ҳолда маънавиятдан ва маърифатдан сафсата сотишнинг фойдаси йўқ. Назаримда мамлакатимизда ана шундай омиллар ишга тушди. Мени турли идора ва ташкилотларга маъруза қилиш учун таклиф этиб туришади. Бир кун бир жойда: "Илгари Аҳмад Ясавийнинг ҳикматлари қўшиқ қилиб айтилар эди, ҳозир шундай қўшиқлар йўқ-а!" десам, бир кун ўзидан туриб: "Амаки, сиз таркидунечки одам экансиз" деди. Ўтган йили погонлилардан иборат жуда бир нозик идора халқро мавзуда маърузага чакирди. Мусулмонларни олабўжи сифатида таъкиб этаётган хориздаги кучлар ҳақида гапирган эдим, тизим раҳбарларидан бири: "Бундай диндор одамни иккинчи таклиф қилманглар" дебди. Билмадим, ундай одамлар ҳозир Мирзиёев олиб бораётган сиёсатдан қандай ахволга тушаётган экан.

Бироқ бундан буён биз ҳадеб зорланавермасдан, ох-воҳ қилавермасдан, бизга қандай мафкура ёки ғоя керак деб иккиланавермасдан, миллий маънавият ва маърифатдан ажраб бўлдиқ деб тушқунликка тушмасдан, сизга ўхшаб одамийлик ва одамгарчиликдан, миллий ўзгичимиз ва турмуш тамойилимиздан ажраб қолмаслигимиз учун энди нима қилишимиз керак, деб савол бермасдан астойдил ишга киришимиз зарур ва шарт. Акс ҳолда ана имкониятни бой бериб қўямиз. Агар томошабин бўлиб турсак, аввало, виждонимиз, қолаверса, тарих кечирмайди. Мен Носир Хисравнинг: "Ақлнинг дархоти-қарлик" деган гапидан рухланиб, қандай қабул қилишларидан қатъи назар ёшларга маънавият ва маърифат йўналишида панд-насихат қилишдан тўхтамайман.

НАФСДАН ҚУЧ ОЛГАН ЁЛҒОН

Сиз жамиятни ва тафаккурини ўзгартиришда ёлғондан ваз кечишни билишчи қадам дебсиз. "Ҳоҳу подшоҳу хоҳи чоракор, ёлғончи бўлса гар — хунук ҳамда хор" дейди Абулқосим Фирдавсий. Агар ёлғон гапи-

► ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

Моҳигул иккаламиз Наврўз тонгини бир-галикда қаршилашга аҳд қилдик. Эртаси куни саҳарда чопқиллаб, ҳансираб, қишлоғимиз четидаги қирга кўтарилдик. Атрофнинг жим-житлигидан майсаларнинг саси қулоққа чалингандай бўлади.

Шун хира пардасини хали тўлиқ йиғиштириб олишга улгурмаган. Унда-бунда қолган юлдузлар қўри тўқилган лаҳча чўдек йилтиллади.

Нурлари майсаларнинг бошини силангандай бўлади. Бир-бирига мингашиб олган қирлар олисдаги тоғларни, тоғлар эса осмонни елкасида кўтариб тургандек туюлади.

Моҳигулнинг елкасини тўқиб турган, белига етиб қолган сочларини, бир оз озини гавдасига ярашган атлас қўйлаги этакларини торқилаб, ўйнаб салқин шабада эса бошлады.

— Совуққотмайисизми? — овозим қалтираб чиққандай бўлди.

— Йў-ў-ў, — деди Моҳигул билинар-билинмас жилмайиб. — Баҳор шамол. Ўтиб кетади. Хавотир олмаг...

Барбир чидаб туролмадим. Костюмимни ечиб, унинг елкасига ташладим.

— Шамоллаб қолсангиз, бошим баалога қолмасин...

Моҳигул ширин жилмайди. Узун кийимларини парпираб, қўзларидан учқунлар сачрагандай бўлди.

— Баҳор фаслларнинг султонида, — дедим гапни нимадан бошлашга қийналиб. — Иккаламизнинг бошига кўтариб турган ана шу қирлар қишлоғимиз учун жуда қадрли.

Улар кўп ошқ-маъшукларга ошпиён бўлган, севиб, севиладиган баргига олган. Қўнғилларнинг энг чуқур бурча-бурчақларидан титраб, қалтираб чиққан розларга гувоҳ бўлган...

Бир оз пастга қараб юрдик. Ҳар қадамда баҳор шабадасида охиста тебраниб атрофга гўзаллик бахш этиб турган зангори майсалар орасидан узун, қалта бойчечаклар мўралаб турибди. Юлдузлар ерга тўқилиб қолганга ўхшайди. Улардан бирини бекасам тўни ўзига ярашиб турганини узиб олиб Моҳигулга узатдим.

— Олинг, баҳорнинг элчиси, қош-қўзларимизга суртайлик. Аллоҳ иккимизни ҳам келгуси Наврўз тонгигача ўз панохида асрасин. Қўп Наврўзларни, кўп баҳорларни кўрайлик.

— Яхши тилак, — деди Моҳигул кайфияти кўтарилиб.

— Ишқилиб дуоларимиз ижобат бўлсин.

— Дуолар юракдан чиққандай кейин...

— Биз баҳорни соғинамиз, — деди Моҳигул этакларини кенг ёйганча рақсга тушаётган раққосалардек бир-икки марта айланиб. — Баҳор ҳам бизни соғинармикин?

— Умуман, олинг, сиз ҳам кўзингизга суртинг.

— Ҳа, соғинади, — дедим дағдлага. — Баҳор ҳам сизга ўхшаган дилбар қизлар билан гўзалдир. У қанчалик сулув бўлмасин, фақат инсон билан азиз, қадрли.

— Файласуф бўлибсиз, — деди Моҳигул ширин кулиб, бойчечакни қош-қўзига суртаркан. — Ана, олинг, сиз ҳам кўзингизга суртинг.

— Йў-ў-ў, ўзингиз... Моҳигул, ўзингиз суртиб қўйинг... Сизнинг қўлингиз бўлак...

НАВРЎЗ ТОНГИ



Моҳигулга секин яқинлашдим. Юрагимнинг гурсиллаб уриши аниқ қулоқларим остида эшитилар, юзимга иллик, муаттар бўй, қўқатлар хиди аралашган ва ҳеч қачон ҳеч ерда учмаган нафас урилди. Моҳигул бойчечакни қош-қўзларимга суртаркан, унинг қўзлари бир оз қалтираб келатганлигини аниқ сезиб турардим.

— Раҳмат, — дедим нисбатан чуқур энтикиб.

— Арзаймади, — деди Моҳигул қикирилаб қулганича бойчечакни яна қош қўзига суртаркан.

Тонг бир оз ёришди. Олисдаги қорли тоғларнинг оппоқ чўққилари, кейин этакларни аниқ-тиниқ қўзга ташлана бошлади. Атрофга қараб тўймайсан, ҳар бир шохини оппоқ бодрокларга ботириб олган ўриклар, баҳор шабадасида одамни қафтидек келадиган япроқлари чапак чалиб турган дароз тераклар, қирнинг тепасига кўтарилган ва охири қўнғилмай қолган иловизи йўлаклар, бир-бирига мингашган баҳмал майсалар қўзига ниятда азиз, муқаддас қўри-наётганди. Назаримда бу қир-

лар Моҳигул иккаламиз учун яратилгандек. Шу қирлардан бошқа олам йўқдек...

Пастга, қир этагига шовул-лаб оқётган сой бўйига тушдик. Қирғонда ялпизлар «Бизларни қўриларингми?» дегандек сув бетига чиққан ўтлар орасидан мўралаб-мўралаб қўяди. Энди анча илқилашиб қолган шабада уларнинг хидини димокка келтириб уради. Атрофнинг гўзаллиги одамни хайратга соларди. Сой суви бош ураётган бўжур тошлар, ойна синикларини эслатиб атрофга сачраётган сув томчилари, қатта-қатта тўқилганча бутунлай ўзгача нафосат, чирой бахш этаётганди.

Моҳигул иккаламиз қарий бошлаган мажнунот тағида — қатта, ялпоқ чағир тошга ўтирдик.

— Оламда турли-туман дараклар бор, — дедим жимликни бузиб. Лекин мажнунот бутунлай бошқача. У қўзларимга жуда ғамгин қўринадди. Қишнинг суви тоғларини ёйиб, фарёд чекаётган аёлга ўхшайди, қишнинг интиқ қўнаётгандек туюлади.

— Мажнунот ҳақида чиройли бир риовоят бор, эшитганимиз, — деди Моҳигул мажнунотнинг майдалаб ўрилган сочин эслатадиган шохларидан бир нечасини гоҳ оппоқ бўйига, гоҳ елкаларига ташлаб ўйнаркан.

— Ривоят? Ҳеч эшитмаганман, — дедим бир оз қизариб.

— Айтишларича, бир қишлоқда кўркам, боқира қиз бўлган экан. У бир йилгити севиб қолибди. Йилгит ҳам қизни жонидан ортиқ яхши қўришини бир неча марта такрорлаган. Лекин йилгит ваъдасини бузди. Маълуқасига хиёнат қилибди. Бошқа қизга уйланибди. Шунда мухаббат топталган боқира қиз кун бўйи йиғлабди. Энди айрилик азобига қидолмаслигини айтиб, Оллоҳга ўзини дароҳатга айлантириб қўйишни илтимос қилибди. Қизнинг оҳу ноласи Тангрига етибди ва уни сочлари бир умр мана шундай паршон шовуллаб турадиган мажнунотларга айлантирибди. Кейин улар қўнайиб кетган экан. Мажнунотлар одамларни дунёда бевафолар борлигидан огоҳ қилиб тураркан.

— Оғир ривоят экан, — дедим эшитиб, — юракни эзиб юбораркан. Йилгит номардлик қилибди.

— Бундайлар ҳозир ҳам бор-ку, — деди Моҳигул бир оз қовоғини ослитиб.

— Ҳа, беш қўл баробар эмас. Фақат йилгитлар эмас, севаганига бевафолар қилаётган қизлар ҳам оз эмас...

— Тонг ҳам ёришди, — деди Моҳигул кайфияти бир оз ўзгариб.

Иккаламиз ҳам ўрнимиздан турдик.

Авал тоғлар орасида қипқизил бўлиб қўшнинг бир чети қўриди. Кейин бир сак-

раб ўткир найзага ўхшаган чўққининг учига илқиб олди. Қўнғилларимизнинг туб-тубидан хаяжонга қоришган ажиб туйғулар отилиб чиқди:

— Ассалом, Наврўз тонги!

— дедим овозимни баландаллаб.

— Ассалом, Наврўз қуёши!

— Моҳигул ҳам охиста қичқирди.

Қирнинг бошини бутунлай ўраб олган майсалар, дов-драхтарлар бизнинг беҳос янграган овозимиздан бир-бир силқиб қўйди. Соининг шиддати ошиб-тошгандай бўлди.

— Наврўзингиз муборак бўлсин, — дедим Моҳигулнинг бармоқларини қаттиқ сиқиб. Унинг юзига табассум югурди. Узун кийимлари орасига яшириномлаб қийнаётган қоп-қора қўзлари чакмоқдай чақнади.

— Сизни ҳам... Сизни ҳам қутлайман, — деди Моҳигул хаяжонини яширолмай.

Бирпасда атроф ёришди. Бутун борлиқ қўшнинг илик нурларига ҳузуруланиб чўмила бошлады.

Аста-секин қишлоғимиз томон йўлга тушдик. Наврўз қуёшини заррин нурларига қўйилган қирлар ҳам, халғача тўқилган шовуллаш қулоқларимиз остида эшитилаётган шиддатли сой ҳам, оппоқ гулга қўйилган ўрик ҳам, хануз мунғайиб турган мажнунот ҳам ортда қолди. Моҳигул иккаламиз гўё қишлоқда Наврўз нафасини, баҳор нафосатини ўзимиз билан бирга олиб қираётгандай қунаб-яшнадик. Иккаламизнинг ҳам қўнғилмиз Наврўз осмонига, Наврўз қуёшига айланган эди...

► БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯНШИ

— Солиқ кодексига даромадлар тўғрисидаги декларация билан боғлиқ янгилик қиритилганлиги ҳақида эшитдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз?

Тошкент шаҳридан
А.Сайдалов

— Солиқ кодексининг 192-моддаси тўққизинчи қисми қўйидаги тахрирда баён этилди: яъни «Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, шунингдек, олдин тақдим этилган декларацияда нотўғри маълумотлар аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи суммасини ўзидаги мавжуд ахборот асосида энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва тўланиши лозим бўлган, ҳисобланган жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи суммаси тўғрисида солиқ тўловчига ўн кунлик муддат ичида тўлов хабарномасини топиришга ҳақли. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисида декларация ёки тўғрилланган декларация тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг якуний суммаси ушбу декларация ҳисобга олинган ҳолда аниқланади».

Саволга Зағирот тўғрисида
ДНН нотариуси Дилрабо
АБДУРАЗЗОКОВА
жавоб берди.

АММО...

„Ўзбекистон деган давлат барқарор туриши учун яна нималар қилишимиз керак?!“ мақоласини ўқиб

риб, ўзимизни ўзимиз алдасак, ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигимизни Шавкат Мирзиёев ҳам кўп марта таъкидлаб ўтди.

Елгонга ўрганиб қолдикми, демак, ичимизда Ханнос ҳукмрон. Ичимиздаги шайтонни ҳайдаш учун қатъиятлик ва ирода кучи керак. Кўпчилигимизда ана шу нарса етишмапти. Сиз айтган барча ёлгонлар бор ҳақиқат. Афсуски, улардан қутулиш учун анча вақт керак. Нима қилайлик, сиз санаб ўтган барча соҳаларда Ханноснинг устулчилиги кўриниб турибди. Унга нафс далда бериб турибди.

Худди ёлгон каби пора ҳам нафс билан боғлиқ илат. Пора ёлгон гапириб, ёлгон маълумот бериб, бировларни сарсон-саргардон қилиб ва қийнаб мақсадга эришшда асосий восита. Порахўрлик бутун жамиятни издан чиқариб, инсонларни танг аҳволда қолдирадиган вабо. У юкмули бўлгани учун тез тарқалади. Унинг ҳам кўзгатувчиси нафс. Сиз жамиятимиз ундан тезроқ қутулишини истайсиз. Ким истамайди дейсиз? Бу юкмули дардининг кенг тарқалганидан бутун жамиятимиз ва халқимиз ташвишда.

Абу Абдулло Рудакий очофат ва еб-ялаб тўймас раҳбарлар ҳақида шундай дейди:

Кимнинг қўзғовидан раҳбар бордир,
Унинг гузари ўлакзордир.

Бутунги кунда давлатимиз ана шундай қўзғовисифат раҳбарларга қарши кураш олиб бораётганлиги ҳаммага маълум. Афтдан, ҳозирча „ўлжа“ни чайнамай ямлаб ютадиган „тимсох“ сифатлилар тузукка тушяпти. „Сиртлон“ сифатлилар ҳамда „бўри“ сифатлилар эса вазиятни кузатиб туришибди. Халқ ҳатто тулкимижозлар ҳам тузукка тушишни хоҳлайди. Ёлгоннинг яхши-ёмони бўлмаганидек, порахўрнинг ҳам катта-кичиги бўлмайди. Бирок, халқ ҳали қўлга тушмаган „шер“ сифат ҳамда „қоллон“ сифат порахўрлар қўплитилини яхши билади. Жамият ва халқ, тенглик ва биродарлик, тинчлик ва оқсоқиллик, юксак маънавият ва маърифат, эзгулик ва диниёт, ҳар бир инсон ва унинг тақдирини учун уларнинг ҳаммаси ҳавфли. Улардан қутулмасак, жамиятни ва тафаккурини ўзгартира олмаймиз. Панд-насихат уларга қор қилмайди. Саъдий Шерозий айтганидек:

Покиза бўлмаса кимнинг қилмиши,
Хикмат сўзи билан тузалмас иши.

МАДДОХ БҲЛСАНГИЗ АГАР...

Юсупов маддохлик ҳақида ҳаммамнинг кўнглидаги гапни ёзибди. Айниқса, унинг „маддохликнинг энг ёмони зибилларликдир, чунки улар давлатни ҳаммаша жарга етаклаган“ деган гапни жуда топиб айтилган.

Шоирларнинг маддохлиги ҳақида Қуръоннинг „Шуаро“ ҳамда „Ёсин“ сураларида яхши ифодаб берилган. Мен қайси шоирга „Қуръон“нинг сўзларини эслатсам, у мен билан саломлашмай қўяди. Раҳматли Шароф Рашидов одамини сиёсий жиҳатдан чалғитади деб раҳбарлик лавозимларига шоирларни эмас, ёзувчилар билан журналистларни танларди. Алишер Навоий саройда хизмат қилгани учун хушомаднинг нималигини яхши биларди. Шунинг учун бу буюк инсон: „Душман фирибин ема ва маддох хушомадин чин дема“ деган ҳикматни ёзиб қолдирган.

Саид-Абдулазиз телекўрсатувларда бутун жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар, ислохотлар, муаммолар тўғрисида таъсирли ва хозиржавоб ранг-баранг материаллар бериш ўрнига маддохлик руҳидаги, аравани курук олиб қочадиган материаллар бериш тенденцияси кучайиб бораётганидан ташвишланибди. Бундай ҳолатни бошқалар ҳам таъкидлашяпти. Бироқ ўзгариш бўлишига ишонч йўқ. Ўзгалардан ўрганиш айб эмас. Масалан, менинг Россия телеканалларида ишлаётган журналистларнинг тажриба ва маҳоратларига, хозиржавоблиги ва топикрилди-рига, жанр ва мавзу танлашдаги устмонликларига ҳавасим келади. Президентимиз қабул қилган қарор ва фармонлар юзасидан ўша соҳанинг раҳбаридан интервью олиш билан чегаралиниб қолмасдан жойлардан оператив репортажлар бериш керак. Олдий одамлар эса Президентга раҳмат айтиш билан чегаралиниб қолмасин. Бундай бир хиллик телетомошабинни экрандан бездиради.

Тараққиётимизни ортага сураётган, одамларда ахлоқсизлик ва одобсизликни кучайтираётган, айниқса, сурбеглик учун туртки бераётган қўсурлардан бири — андишасизлик борасидаги гаплар, шунингдек, ахлоқсиз инсонларнинг фақат пулдорлиги учун обрў орттиришига йўл қўймаслик ҳақидаги гапларда ҳам жон бор. Орамизда шундай одамлар ва ҳолатлар бор экан, маънавий ва маърифий тарбия борасида халқ қаладиган ишимиз кўп. Бу фақат маънавият ва маърифат марказларида эмас, балки барча меҳнат жамоаларида, ўқув юрларида ва маҳалларда жамоат ташкилотлари ҳамда диний идоралар иштирокида олиб бориладиган долзарб тарбиявий ишдир. Андишасизлик — шалтовликнинг бир кўриниши. Фариддин Аттор дейди:

Кимки шалтовликни қўйди, жойига,
Хор-зорликда меша тоққай, ройига.

Маддох инсон эса бир мақсадни қўлаб ҳушмад қилади. „Қайси дўстим қўлашим фойда-зиён, бир кун душман бўлур у бегумон“ дейди Абу Шукр Балхий. Мен

буни айрим шоир, ёзувчи ва журналистлар мисолида кўрдим. Улар ўз вақтида мансаб, унвон ва орден олишганида Ислам Каримовни улуғлаб ёзишган эди, бугунга келиб эса уларнинг собиқ раҳбар ҳақидаги фикрлари ўзгариб қолди. Демак „Қуръон“нинг сўзи ҳақ.

БОЙ БОЙГА БОҚСА...

Тўғриси айтсам, Юсуповнинг таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини қайта ислоҳ қилиш тўғрисидаги таклифлари менга маъқул бўлмади. Агар истаган битирувчи исталган олий ўқув юртига тахминан ўттиз миллион сўм миқдордаги контракт тўлови эвазига кириб ўқийдиган бўлса, у шу ўттиз миллионни қаердан олади? Шундай оилалар борки, фарзандлари ўқига қобилиятли бўлганлари ҳолда олдий бир дори сотиб олишга пул топишолмайди. Коммунал хизматлар тўловини гапирмасангиз ҳам бўлаверди. Ха, зехнлилар учун грантлар бор-ку дерсиз!.. Улар саноқли. Грантга иллингич учун ҳам таниш-билиш, кўнжир усуллари қўлаш, кимларнидир рози қилиш керак. Буни билмаган одам Ўзбекистонлик эмас. Назорат қанчалик „қучли“ бўлмасин, одамлар йўлини топишяпти. Эҳтимол, грантлар сонини кўпайтириш керакдир.

Авалло, талабаларни қобилиятига, иқтидорига, қизиқишига, интилишига қараб танла олишда хатога йўл қўйилмапти. Масалан, бизнинг соҳамизни олайлик. Хар иккала журналистика факультетини хар йили 160 нафар журналист битириб чиқиб ҳаётга йўлланма олаётган бўлса, шунинг аттиги 20 нафарини ишлаш учун оммавий ахборот воситаларига борар экан. Эҳтимол, бошқа соҳаларда ҳам ахвол шундайдир. Шунинг учун олий ўқув юрлари контракт пулининг қанчалигига эмас, кимларни қабул қилаётганига эътибор беришлари керак. Талабанинг тўлаган пули эмас, ўзи муҳим. Шундагина малакали мутахассис тайёрланади.

Энди Юсуповнинг исталган компания ва фирмалар ўзларига юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун, кейинчалик маълум муддат ишлаб бериш шарти билан грантлар тақдим этиши ҳақидаги таклифи маъқул кўринади. Бироқ шунда ҳам турли кинирликлар аралашиб қолмаслиги учун назорат керак.

Албатта, хар қандай ўзгариш, янгилик ва тақдир ҳозирги кунда таълим тизимида амалга ошириладиган ислохотлар билан уйғунлашган ҳолда жорий этилгани яхши.

Ўтган йили қашқадарёлик бир танишим автохалокатга учради. Унинг бўйин суяги синиб гапиролмай ва қимирлай олмай қолди. Тошкентдаги қурилишларда мар-

дикорлик қилиб оиласини боқаётган эди. Қишлоқда хотини беш нафар гўдаги билан яшарди. Тошкентдаги катта бир шиғоҳонада 15 кун ётди. Қариндошлари бир неча миллион сўм тўплаб олиб келиб беришди. Сўнг бу ер қиммат экан деб, уч миллион сўмга махсус „Тез ёрдам“ ёллаб уни Қаршига олиб кетишди. У ерда аранг ўн кун ётишига маҳалла пул йилғиб берди. Аёл бешта гўдак болани боксини ёки эрига хар кун 200 минг сўм топиб берсинми? Пул йўқлигидан тиббий ёрдам тўхтаб қолди. Эллик ёшдаги одам пули йўқлигидан кўзи мўлтираб ётиб ўлди.

Хозир бунга ўхшаган мисоллар кўп. Афтидан, камбағаллар оғир касал бўлишса, олдиндан ўлимни бўйнига оладиган бўлиб қолишди. Юсупов айтган суғурга ҳам камбағалга ёрдам бермайди. Умуман, тиббиёт масаласи тўғрисида ислоҳ қилинмаса, камбағаллар кўзлари мўлтираб ҳаёт билан хайрлашишни тақдирдан кўриб қўя қолишади.

Биз жамиятга адолат ўрнатилиши, тўғриси тўғри, эгрини эгри дейишни, халқпарварликни, айниқса, камбағалпарварликни давлат сиёсати даражасига кўтарга олсаккина Жалолиддин Румий айтганидек, бўлганимиз каби кўри-на оламиз ёки кўринганимиз каби бўла оламиз. Хозир танланган шу йўлнинг бошидамыз. Демак, орзуларимиз ойдин, аммо олдимизда кўндан-кўп доволар ва синовлар турибди.

ФОБИЯ БИЗГА ЁТ

Мен ишонч билан аниқ айта оламан, Ўзбекистонда фобиябозлик йўқ. Сиёсий шарҳловчи сифатида кўп йиллардан бери жаҳон сиёсат оламидаги вазиятни кузатиб келаётганман. Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳали бирор-та давлат ёки миллатга, дин ёки оқимга, жинс ёки ахлоққа нисбатан оммавий ахборот воситаларида фобия иборасини қўлламаган. Аксинча, бошқа миллат ва дин вакилларининг Ислам динига ва мусулмонларга нисбатан нафратлари кун сайин кучайиб бораётган. Фарб дунёсининг асосий тарбиёт-ташвиқот механизми, яъни барча турдаги оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Россиянинг биз кўрадиган телеканаллари ҳам, шунингдек, „мусулмон“ деган номни эшитганда сесканиб тушадиган бошқа диндаги ёки динсиз оқимдаги айрим гуруҳлар, миллатчилар, шовинистлар, ивгогарлар ва турли тоифадаги бузғунчилар буюртмасини бажарадиган телеканаллар, газеталар, ахборот агентликлари, интернет сайтлари ҳамда халқ ҳолда, режали тарзда, ҳақорат ва тухмат ила мусулмонларни ёмонотлик қилишни тобора авж олдириб бораётганлиги бор ҳақиқат ва бу хар қандай одамда ташвиш туғдиради.

Биз шу пайтгача бир мусулмоннинг жаҳон оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиб, насронийлар, яҳудийлар ва будда-растларнинг динларини қамситиб ёки ҳақоратлаб, уларга қандайдир тамғалар босганини ҳали кўрганимиз ва эшитганимиз йўқ. Қайтага Қуръонда айтилганига кўра мусулмонлар насронийлар билан яҳудийларга қийноб ахли, яъни Оллоҳдан Таврот ва Инжил тушган миллатлар сифатида ўта дўстона муносабатда бўлишади. Бизнинг халқимиз ҳатто шовинистик ва миллатчилик кайфиятидаги русларга ҳам уларнинг тилида гапириб илтифот кўрсатишади.

„Туркофобия“ иборасини аслида дўст-никобидега душманларимиз ўйлаб топишган. Ўзбекистоннинг кейинги пайтда туркий халқлар бирлиги ва тотувлигини таъминлаш борасида олиб бораётган сиёсати кимларгадир ёқмайпти. Уларга Украина ва Суриядаги вазиятларга ўхшаган ҳолатлар керак. Тўғриси, ўтган йилларда бизнинг аксарият ҳуқуқ-тартибот ҳодимларимиз диндорларимизни ёмонотлик қилиш ва уларга турли тамғаларни босиб билан ўзгаларнинг ногорасига ўйнашди. Айниқса, биз кабел тармоғи орқали кўрадиган телеканаллар Ўзбекистондаги диндорларни олабўжи қилиб кўрсатишда ташқи ғаразғўй кучларнинг буюртмаларини қойиб-латиб бажаришди. Улар кейинги 15 йилдан бери „Ўзбекистон Ислам ҳаракати“ яқин кунларда Ўзбекистонда ҳокимиятни эгаллайди, деб ваҳима солиб келаётган.

Саид-Абдулазизнинг қуйидаги фикрига мен ҳам қўшиламан: Ўзига ишонган миллат, ўз қудратига ишонган давлат ҳеч нарсадан қўрқмайди. Кучли маънавиятга, мустақкам эътиқотга эга шахс даҳрий билан мулоқот қилиб даҳрий бўлиб қолмаганидек, уч ярим минг йиллик давлатчилик тарихига эга бу Давлатни ҳеч қандай куч ўз йўлидан, ўз эътиқодидан қайтара олмайди!

Фарб дунёсида барча динлар ҳамда ахлоқ-одоб қоидаларидан холи, инсоннинг мутлақ эркинлиги ва истак-хоҳишига асосланган, кўнгли тусадан ишни қилишга руҳсат берадиган ҳаётнинг сунъий стандартлари — худбинлик мафкураси ишлаб чиқилган. Бундай мафкура инсониятга фақат оғат келтиради.

Бизга динимиз қонуниятларидан, миллий урф-одатларимиз ва маънавий қадриятларимиз талабларидан, тарбия ва тараққиёт ҳақида адолат мезонларидан келиб чиқиб, ўзимизга ҳос ва ўзимизга мос миллий мафкура керак. Бундай мафкура қарор ёки фармон билан эмас, балки ақл-идрок ва тафаккурда эришган даражамизга кўра шаклланади. У фақат миллат ва инсон маданиятига хизмат қилади. Мен шундай мафкурани орзу қиламан.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Сиёсий шарҳловчи,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Зумрад жаводаларининг беланчагида

ЭЪЗОЗ

Ижодкорлар билан танишув кўпинча адибнинг ўз муҳитидан анча узоқларда, тоғу тошлар, дашту далалар бағрида рўй беради. Олис кишлоқларнинг нурай бошлаган кутубхоналаридаги ўқила-вериб титилаётган китоб бағридаги ижодкор ўша ҳудуд кишиларининг дўстига айланиб қолади.

Атоқли адибларимиз Ойил Ёқубов, Пиримкул Ёқубов, Ўткир Хошимов, шоирларимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар қаторида, Ўткир Раҳмат билан танишув ҳам шундай бўлган. Университетнинг иккинчи курси талабаси эканмиз, Сирдарёнинг поёни йўқ далалари бағридаги жўшқин талабалик ҳаётимизга у кишининг „Ирмоқ“ деб номланган муъжаз шеърини китоби ошно бўлган, юлдузли кечаларнинг, қирмизи ўфқларнинг ҳамда тоза дашт ҳавосининг ажралмас қисми бўлиб қолган. Тугилиб-ўсган масканларини соғинган навнҳол йигит-қизларга ўзлари қўмсаган маъволарнинг тоза ҳавосини олиб келган.

Шоир билан кейинги „уч-рашувимиз“ Бўстонлик бағрида бўлиб ўтди. Болаларни дам олишга юборган эдик, уларни кўриб келайлик деб йўл олдик. Теварак ям-яшил, тоғ-тошнинг намкуш салқин эҳлини ором берадиган палла. Болалар ўз таассуротларини айтишар экан, „Қизик эртақ ёлланлик“ деб қилишди. „Қанақа эртақ экан?“ десак, Ўткир ақанинг шеъри, ҳақиқатан ҳам, дуппа-дуруст эртақ!

— Дарахтлар, ой-юлдуздан бошқа кимни кўрдикми,
Тун бўйи тик оёқда
Нима қилиб турдингиз?

Кўзимни очмадим,
Сен кетдинг нари.
Билдингми, билмадинг
Дардим, чирғим —
Шундоқ кўзларимда
Шабнамлаб кетди,
Ўткир Раҳмат деган
Дарахт янроғи.

Ўткир ака ижодида болаларга аталган шеърлар анчагина. Унда мусаффо, бегубор давр ҳиссиётлари ўша ҳолича, тиниқлиги ва бегуборлиги билан рўй-рост ақаланиб туради. „Зумрад жаводаларининг беланчагида“ деб бошлайди шоир соғинч ҳақидаги бир шеърини. Шу олдий сўзлар нажиб паллалар шуқуҳини бирдангига, тўла-тўқис уйғотиб юборади. Зумрад рангининг товланишларини тасаввурга рўпара қилади. Ҳаво зумрад тусда бўла оладими? Ҳа, албатта. У — тоза манзилтоҳлар — зумрад тонининг сабодаларини эсга солади. Шу сабабдан ҳам хотирани беланчадай қайқатади. Чайқатгани етмагандай, бегубор ҳиссиётларини ҳам рўпара қилди. Соғинч ҳақида ёзилганида кўпинча ҳижрон, изтироб, ғусса ёнма-ён келади. Ўткир Раҳмат бу шеърда Ватан соғинчини қуйлайди ва шеър сўғида яна бир чизги ила унинг соғинч ўлкаси эканлигини айтиб ўтади. „Бу болаларга аталган шеър эмас, ахир, мен ҳақимда-ку?“ дейди уни ўқиган киши, ўз зумрад тонларини соғиниб. Тасаввур шу кичик манзарани шу қадар бойитадиги, эрта тонг табият шовури, ислари, сувлар жилдирашдан то уфқнинг сезилар-сезилмас ўзгаришларигача бўлган тирик манзарани ҳосил қилади.

Осмон яна бўзлади қаттиқ,
Қўйингиз жажжигина,
Селлар қуйди аччиқма-аччиқ...



Бу мисралар тоғу тошлар аро кўкни тўсатдан булут қоплаб, момақалдиқроқ гўмбирлаб шаррос қуйган жала манзарасини ҳосил қилади. Бироқ, момақалдиқроқ ҳақида сўз йўқ-ку, онда қандай ҳосил бўлди? Ҳа, „қар-силлаи чакмоқ тошлари“ деган жумла ортда яшириниб турибди у. Шеърнинг ўқувчи онгида давом этишини кўрсатадиган аjoyиб мисоллардан бири.

Ўзбек адабиётининг аjoyиб бир жиҳати бор — асарлар доимо бепоён кенгликлар, жонли табият ҳавоси билан тўйинган бўлади, шу манзилтоҳларда умр кечирган сон-саноксиз олдий, содда кишилар кечинмаларидан ҳикоя қилади. Ўткир ака қаламига мансуб „Ирмоқ“, „Соғинч“, „Райхон ҳиди“, „Шукрона“, „Ой ёлдуси“, „Қўзим қорачуғи“, „Хаёл ифори“, „Юракдаги қуш“, „Хоксор майса“, „Дилчиқроқ“, „Ўтли руҳ“ каби ундан ортқ тўпламлари ҳам шу хусусият билан йўрилади.

Адабиётнинг мангу қонуниятларидан бири шуки, хар бир ижодкор ўз ватани манзараларини, юртдошларининг туғру ва ҳиссиётларини, ҳаёт фалсафасини қаламга олади. Ўткир асарлар эл-юрт адабий ҳазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилган.

Исажон СУЛТОН



ЎЗБЕК ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ НЕГА МЕНСУМАЯПМИЗ?

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

Хусусий матбуот, жумладан, хусусий телеканаллар очиб, фаолият олиб бориш қонунларга зид эмас. Аммо хар қандай хусусий ОАВ да ҳам оммага тақдим этиладиган махсулотларнинг мазмуни ва адабий тил меъёрларига мувофиқлиги жиҳатидан сифати белгиланган талабларга жавоб бериши шарт.

„ZO’R“TV нинг „Меҳр кўзда“, „Хушвақт“ каби бир қатор кўрсатувлари телетомошабинларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, Ўзбек тилининг ўзгалиги ва соғлиқига эътибор берилган, адабий тил меъёрларига риоя этиладиган мазмунли кўрсатувлар халқ маънавиятига ижобий таъсир кўрсатади, фойда беради.

Афсуски, мазкур телеканал орқали берилаётган айрим кўрсатувлар ҳақида, баъзи бошловчи ва қатнашчиларнинг экранда ўзини тутиши, нутқ маданияти ва адабий тил меъёрларига умуман эътибор бермасликлари телетомошабинларнинг нафақат гашиларини келтирмоқда, балки меъдаларига теғмоқда. Жумладан, ҚВЗ туркумидаги беллашувларнинг қатнашчиларига чегарасиз имкониятлар бериб юборилдики, натижада улар хоҳлаган сўзларини, хоҳлаган шева-диалект, гўё ўрмонда юргандек, миллион-миллион ўзбек томошабинлари олдида бемалол намойиш қилишмоқда.

Миллатнинг маънавий киёфасини белгилловчи телеканаллар орқали узатиладиган хар қандай кўрсатув ва шиттиришлар маълум талабларга, айниқса, тил маданиятига қатъий амал қилиши керак!

Кейинги пайтларда бу каби кўрсатувларда атайин урғу берилаётгандек ва кишига эриш туюладиган нутқлар, шунингдек, Ўзбек тилидаги ўнлаб шева-диалектларнинг кўлланилмайдиган „лар“ — қўплик қўшимчасининг — „лиги“ шаклида эркин қўлланишига „ZO’R“TV муҳаррир-

ларининг мурасосозлик қилаётгани „Ўзбек тили тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини бажармаслик, тўғриси, унга бепишандлик билан қараш ҳолатлари такрор-такрор қузатилмоқда. 2018 йил 4 январь кун „ZO’R“TV орқали „Премьера“ рукнида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг биринчи ўринбосари, Халқ артисти Озодбек Назарбеков билан суҳбат уюштирилди. Бошловчи адабий тил қоидаларига риоя қилган ҳолда суҳбат бошлады. Бироздан сўнг хонанда Севара Назархон тақлиф қилинди. Таниқли санъаткор чиройли ўзбекча салом-алик ва ўзбекча лутф билан даврга қўшилди (ростан, Севара Назархон она тилимизда шу қадар раван ва чиройли гапиралади деб ўйламаган эдим).

Аммо минг афсус, энг ёмони кейин кўринди: Севара бошловчининг саволларига аввал ўзбек тилида, сўнг ўзбекча-русча аралаш тилда жавоб бера бошлады. Кейин эса рус тилини қанчалик яхши билишини намойиш қилгани келиб қолдики, тўлиқ русча сўзлашга ўтди. Унинг бундай қорилиш лафзи бошловчи ва бошқа суҳбатдошнинг ҳам „издан чиқарди“: энди ҳаммалари тўлиқ аралаш-қуралаш суҳбатлаша бошлады... Бу ерда меъёр, касб одоби қаерда қолди?

Бундай пайтда телевизорни шартта бошқа каналга олишдан ўзга илож тополмайсан киши. Мен-ку, шундай қиларман, бошқаларчи?!

Тил қоидаларини бузаётганлар ҳам, ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётганлар ҳам айнан ана шунча савиясиз телеканал ва омма назаридаги айрим одамлардир.

Бу ўринда „ZO’R“TV айбдор. Сиз нима дейсиз, нозиктаб телетомошабин юртдошлар, халқимиз юксак ишонч билан қарайдиган азиз журналистлар?

Адҳамжон АБДУСАМИЕВ,
Фарғона вилояти, Кува тумани

Мозий Билан

ЮЗ МА - ЮЗ

АСРЛАРНИНГ АСРАГАНИ

Талабалар завқи, шури бошқалар қатори Баходирнинг ҳам қалбини эгаллади. Гуруҳда беш нафар талаба ичида биргина у ўзбек миллатига мансуб эди. Рус тилини яхши биларди.

— Археология хонасига кирганимизда ўзимизни музейга киргандек ҳис қилдик. У ерда турли экспонатлар мавжуд эди, — дея эслайди биз билан суҳбатда қадимшунос олим Баходир Турғунов ҳаёлан ўша кунларни кўз ўнгига келтириб. — Археология фанининг нақадар аҳамияти катта эканини, ўшанда англаганман.

Сабок даврида, кафедра мудири профессор Михаил Евгеньевич Массон археология соҳаси нақадар қийинлиги, умрининг кўп қисми сафарда ўтиши, айниқса, палаткада яшаш шароити, сувсиз қарқоқ чўлларда жазирадада яшашга тўғри келишини чиройли тасвирлаб берган.

Олим Массоннинг маърузаси талабалар қалбиди иккиланган эмас, каттиятни оширди. Баходир кунт ва меҳр билан ўқиди. Дарслар бири билан кизилди эди. Баъзан баландликда кўрганлари, тупроқ қағиридан кавлаб олинган осиратикаларни кўз олдида келтирарди. Ҳавас ва иштиёқи кучайган сари вақт ҳам тез ўтарди. Кўп ўтмай, у ўқитувчилар назарига тушди. Айниқса, унга Галина Пугаченкованинг меҳри бошқача эди. Шунинг учун бўлса керак, 1961 йил апрель ойида Баходирга Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси таркибидида Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Холчаён қишлоғига бориш таклифи этилди. Экспедиция аъзолари бу жойда аjoyиб нақшлар билан безатилган сарой биносини топишди. Б.Турғунов институтда кичик лаборант вазифасида ишлаб, М.Массон раҳбарлигида диплом ишини ҳам ёза бошлади.


Баходир қадимшунослик фанига асос солган М.Массонга муносиб шогирд бўлишга бел боғлади. Бунинг учун ўқиб, ўрганиш, изланиш, меҳнат қилишдан чарчамади. Албатта, инсон ўз меҳнати самарасини кўргач қасбига меҳри ортгандан орғиб бораверади. Дастлаб асрий сеҳрларни бағрида яшириб ётган гўзал Холчаён қишлоғи тепалигида ҳайкал топиладиган фақат у эмас, ҳатто Галина Пугаченкова ҳам ҳаяжонини яширолмаганди. Баходир Турғуновнинг меҳнат фаолиятига назар солсангиз, бундай дақиқаларнинг чек-чегараси йўқ. Холчаёнда тўрт йил (1960—1963 й.) олиб борилган ишлар қутилганидан аъло натижа берди. Чиндан ҳам тепалик ўрнида миллоддан аввалги I асрда сарой қурилгани маълум бўлди.

Хатто ўймакор устунлар, тақкурлар топиладиган, сарой уч қисмиди — 16 метр келадиган айвон, қабулхона ва тахтоналардан иборатлиги аниқланган, бу ишга қизиқиши янада ортди, ишга берилиб кетди. Топилдик майдони агрофиди эса дахлиз ва тўртбурчак шаклидаги хона-



лар. Девог вишларида тамгалар мавжуд бўлиб, улар юнон алифбосини эслатарди, шунингдек, топиладиган олтин ишлар эшиқларга зарпарда осилганидан далolat эди. Қазиммадан топиладиган «хазина»ларни таъмирлаш асносида 35 нафар одам, 7 та от ва чавандозлари борлиги аниқланди. Ўша ҳайкалларнинг бир қисми Ўзбекистон Давлат санъат музейида ва бир қисми ҳозир ҳам Санъатшунослик институтининг «ноёб археологик коллекцияси»да намойиш этилмоқда.


1972 йилда Далварзинтепадан олтин буюмлар хазинаси ва фил суягидан ясалган дунёдаги энг қадимги шахмат доналарининг топилиши экспедиция ҳаётида катта воқеа бўлди. Ўзининг тиришқоқлиги, изланувчанлиги билан бошқалардан ажралиб турган Баходирнинг Г.Пугаченкова экспедиция бошлиғи ўринбосари қилиб тайинланди. Энди зиммасидаги вазифалар яна ҳам кўпайди. Уйга келиб-келишига вақт қолмасди. Хатто, 1962 йилда тўнгич кизи ту-



хидирни Г.Пугаченкова экспедиция бошлиғи ўринбосари қилиб тайинланди. Энди зиммасидаги вазифалар яна ҳам кўпайди. Уйга келиб-келишига вақт қолмасди. Хатто, 1962 йилда тўнгич кизи ту-

тилганда ҳам у келишга имкон тополмади. Фидойилик натижаси ўларок, бутунги кунда Далварзинтепанинг номи дунёга машҳур. У чиндан ҳам Қушон империясининг пойтахтларидан бири бўлган. Қазилма чоғида моё ер канча-канча сир-асрорларни, авлод-аждоғларимиз турмуш тарзи, маданияти борасида афсоналарни топиладиган орқали сўзлаб берди. Нафакат афсона, у ердан топиладиган олтинларни айтмайсизми? Бутун бир хазина-я! 1972 йилнинг 25 сентябрь кунини Баходир Азизови шундай эслайди:

— Ўша кунни Далварзинтепанинг 4 та жойида қазиб ишлари борарди. Орамизда 20 нафардан кўпроқ талаба ҳам бор эди. Улар театр ва расмлик институтини санъатшунослик факультети 2-босқич йигит-қизлари эди. Улардан 4 нафари Т.Беляева бошчилигида ДТ-5 кўримсизгина тепаликда 13-хонада иш олиб боришарди. Қутилмаганда, сопол кўзанинг оғзи кўринди. Унинг ичи олтинга тўла эди. Кўпам овоза қилмасдан, замбилда Хасан ака Назаров хонадонига — экспедиция штабига олиб келдик, кечки овқатдан сўнг ҳамқасбим Эдвард Ртвеладзе ва ТошДУнинг бешикчи курс талабалари Эркин ва Анатолий, Тания ва камина хазинани расмийлаштирдик. Уларни бирма-бир санаб, ёмбилардаги ёзувларни



кўчириб, 2 нусхада далolatнома туздик. Сўнг қўлда кўтарилган 4 та юк қилиб жойлаштирдик. Эртаси кун Эдвард билан Деновга бордик. У ердан автобусда Душанбегача жўнадик. Кундуз соат иккиларда Санъатшунослик институтида устозим Г.Пугаченкова ҳамда директор муовини А.Рыбиник биргаликда Марказ-қўмга йўл олдик. Ҳамма топилама стол устига қўйилган, Шароф Рашидов бизни қизгин табриқладилар, кейин икковимизга:

— Қандай қилиб кўркмасдан шунча жойдан ўзингиз олиб келдинглар? — деб қўшиб қўйд.

— Ортиқча шов-шув кўтармай, шундай қилсак, тўғри бўлар, деб ўйлаган эдик. Жавобимиздан қониққан

давлатимиз раҳбари «рахмат азаматлар» дея қайфиятимизни кўтарганди. Хонага банк бошлиғи кириб келди. Милитсия ходимлари ёрдамида банкга тошширдик.

Ҳа, Баходир аканинг фаолияти мозий билан суҳбати давомида бундай ҳаяжонли дақиқалар кўп бўлган. Холчаёндаги хона ва Қораборттепа, Айритом буддавий ёдгорлиги, Миршоди ва Бандихондаги ёдгорликларни топиладиган ҳам ўтмиш ҳикоятларини ўқиган. Хотини рабоб, Самарканд вилоятидаги Миёнқолни қазиб ишларида қатнашиб археология фани ривожига муносиб хисса қўшди. 1967 йилдан бери қазилма ишлари давом этаётган Қушон империясининг илк пойтахти деб ҳисобланаётган Далварзинтепа топиладиган ҳамон фидойи олимни бот-бот хайратга солади.

Баходир Турғуновнинг Ўзбекистон ва Япон археологлари ўртасида мустақкам дўстлик алоқаларини ўрнатилган қўшган хиссаси ҳам таҳсинга лойиқ. Етмишинчи йилларда Далварзинтепада олтин хазинаси ва унинг яқинида Будда ишооти топиладиган. Ўша ердан чиққан ноёб ҳайкаллар кўпгина хориж олимлари қатори япон профессори Кюдзо Катони ҳам қизиқтирган, ўшанда санъатшунослик институтига умр йўдоши этнограф бўлмиш Садако хоним билан

ташриф буюрган. Институт музейидаги топиладиган кўрган. Кейинчалик Япониянинг кўхна Нара шаҳрида «Ипак йўли Нарага боради» мавзусида ўтадиган кўргазмага Баходир акани тарихий ашёлар Будда ҳайкаллари ва айрим топиладиган ишлар таҳсинга тақдир қилди. Тақдир бажонидил қабул қилинади. Шундай қилиб ўша кўргазмада Хитой, Жанубий

Мозий билан суҳбатлашиб, она ер қағиридан ҳикоятларни, ривоятларни ўқиб олган, фидойи олим қалбиди Ватанга, она юртва меҳр, садоқат туйғулари ифодаси ўларок бу каби ёрқин саҳифалар Баходир ака ҳаётида кўп. Ёши саксонга борган бўлса ҳам тетик, бардам, ҳали-ҳануз изланишда. Жаҳон археологлари, айниқса, япон ва ҳинд қадимшунослари билан дўстлик алоқаларини ривожлантиришга баракали хисса қўшмоқда. Тиниб-тинчимас олимнинг шарофли фаолиятида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Мозий билан суҳбатлашиб, она ер қағиридан ҳикоятларни, ривоятларни ўқиб олган, фидойи олим қалбиди Ватанга, она юртва меҳр, садоқат туйғулари ифодаси ўларок бу каби ёрқин саҳифалар Баходир ака ҳаётида кўп. Ёши саксонга борган бўлса ҳам тетик, бардам, ҳали-ҳануз изланишда. Жаҳон археологлари, айниқса, япон ва ҳинд қадимшунослари билан дўстлик алоқаларини ривожлантиришга баракали хисса қўшмоқда. Тиниб-тинчимас олимнинг шарофли фаолиятида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

— Ортиқча шов-шув кўтармай, шундай қилсак, тўғри бўлар, деб ўйлаган эдик. Жавобимиздан қониққан



Корея, Хиндистон, Афғонистон, Ироқ, Покистон қатори республикалардан Баходир Турғунов муаллиф сифатида топиладиган билан қатнашган. 1988 йилнинг 17 апрелида ўтказилган ушбу кўргазмада Будда ибодатхонасидан топиладиган утга ҳайкал дунё олимлари эътиборига тушган. Шундан буён Токиодаги Сока университети билан Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтини ўртасида дўстлик алоқалари мавжуд. Бу ўз навбатида, нафакат япон, балки хорижий мамлакат олимларининг ўзбек диёрида ҳамқасблари билан ҳамкорликда тарихни ўрганишга, мозий билан суҳбат қуриш ишларининг дебочаси бўлди.

— Мустақиллик соҳамиз учун ҳам улғу неъмат бўлди, — дейди Баходир ака. — Чунки, ҳар ишни бажариш учун марказдан рўхсат олиш лозим эди. Энди тўғридан-тўғри хорижий олимлар билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз.

Қадимшунос олимнинг фил суягидан ишланган шахмат доналарининг топгани ҳам ўз вақтида катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Бонси, шахмат ўзгалар эътирофига кўра VI асрда эмас, балки IV ва V асрларда мавжуд бўлганлигини тўлиқ исботлай олди. Бу ҳақда «Шахматы в СССР» журналининг 1973 йил 5-сонини эълон қилинган. Б.Турғуновнинг бу мақоласида шахмат доналари Далварзинтепадан ташқари Афросиёб (Самарканд)дан 7 та, Мўнчоктепа (Фарғона)дан 1 та ва Қумқўрғон (Сурхондарё)дан 32 та топиладиган чиндан ҳам шахматнинг ватани Ўзбекистон эканлигини исботлаб берган эди.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
маданият ходими

ТААССУФ

Ҳар йили баҳорнинг илк кунларида эл севган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёкубов пойтахтимизнинг «Истиқлол» саройида ўзининг янги дастурини ижросидан ташқим эътибор келди. Бу йил ҳам ушбу анъана давом эттирилди. Хонанданинг яқин ҳафтада концерт томошабинларга чинакам баҳорий кайфият, бир олам қувонч бахш этди. Дастурдан ўрин олган қўшиқларнинг қарийб 70 фоизи янги тароналар. Суюкли хонандамиз изланувчанлиги, янгиликка интилиши, ўз устида тинимсиз ишлашини яна бир бор элга намойиш этди. Унинг томошабинлар билан мулоқотида ҳам самимийлик уфуриб турди, баъзиларга ўхшаб ақл ўргатмади, ваъз-хонлик қилмади, фақат юракдан қуйлади.

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Концертдан кейинги ўйлар



Қўшиқлар кетма-кетлиги ҳам ниҳоятда дид билан сараланган. Яъни оғирроқ классик таронадан сўнг шўхчан, рақсбоп ашула тақдим этилди.

Маъноли матн мусиқа ва сахнадаги мониторинг берилган видеотасвирлар билан уйғунликда ҳар бир қўшиқ миннети спектакл даражасига кўтарилган. Энг асосийси, ҳамма нарсда хонанданинг раққосларининг либослари, ўзини тутуши, томошабин билан мулоқотда киришишида, сахна безаклари, овозда ҳам меъёр сақланган — олтин ўрталлик амал қилинган.

Дастур муқаддимасидаги буюк аждоғлар, юртбошиқлар аталган қасида тасвирлар уйғунлигида томошабинларда Ватанга муҳаббат, аждоғларга ҳурмат ҳиссини жўш урдириб бўлса, «Онажон, сизни ёмон соғиндим», «Умид» каби қўшиқлар, шунингдек, ретро тароналар меҳридарё онахонларни, мунис аёлларни, вафо ва садоқатни мадҳ этгани билан юракларни забт этди. Меҳр-муҳаббат, соғинч ҳақидаги шўх қўшиқлар рақслар уйғунлигида томошабинларга бир олам завқ, кўтаринки кайфият бағишлади.

Концерт дастурини сахналаштирган истеъдодли режиссёр ва продюссер Саъдулла Абдуллаевга алоҳида ташаккур. Қарийб уч ярим соат давом этган дастурнинг бир нафасда, силлиқ, ижтисомдор тароналар эриктирмаган ҳолда ўтгани режиссёрнинг катта ютуғидир. Унинг ортида қанчалик нодир истеъдод, улкан масъулият ва меҳнат борлигини тележурналист бўлганим боис жуда яхши ҳис этаман. Монитордаги хроникал, тарихий тасвирлар, фотосуратлар, баҳорнинг гўзал манзаралари намойиши дилдан қуйланаётган қўшиқларга қанот бағишлаган. Созанда раққосларнинг самимий чехралари, қўшиқларга монанд рангбаранг либослар, қизларнинг нафис хиромлари даврга ўзгача фойз-тароват улашди.

Шу ўринда, рақсларни сахналаштирган истеъдодли балетмейстер Виллот Оқилонанинг хизматлари ҳам таҳсинга сазовор. Раққосларнинг хироми, нозик қончирлари, ҳаё-ибоси ўзгаларга ярашган, қўшиқларнинг жозибадорлиги, эшитимлигини оширган. Хуллас, хонандаю созанда, раққослар, ҳатто кулги усталарининг чиқишлари ҳам бир-бирини тўлдириб, яхлит бир ансамбли ташкил этганки, лиқ тўла залдаги томошабинларни ягона даврга бирлаштирди.

Бир сўз билан айтганда, ташкилотчилару ижодкорларга тасанно!

Ҳаммаси яхши... Фақат томошабин маданияти ҳамон оқсамокда. Концертга икки-учтадан ёш, айниқса, эмизлик болалар билан келиш, томоша вақтида атрофдагиларга ҳалақат бериб тапполашиб ўтириш, турли егуликларни кўтариб келиб, зални ифлослантириш ҳолатлари қайта-қайта кўнгилни хира қилган нарсаси шуки, сўнгги қўшиқлар айтилаётганда залдагиларнинг учдан бири, концерт дастурини тайёрлаган ижодкорлар таништирилаётганда эса залнинг ярмиси намойишқорона, беписандлик билан чиқиб кетгани бўлди.

Қанча меҳнат-машаққат, қалб қўрини бағишлаб халқнинг, ижтисомдорларнинг кўнглини топармиканман, деб ҳаракат қилган, изланган санъаткорларга ҳурмат шуми! Ўзини ҳурмат қилган одам шунақа йўл тутадими?

Наҳот, уч ярим соат мазза қилиб қўй-қўшиқ эшитган баҳри-дили очилган, кайфияти кўтарилган томошабинлар яна 5 дақиқа сабр қилолмайди? Қарсақлар-олқишлар билан ўз эътиромини кўрсатиш санъат аҳлига қанчалик қушуват, илҳом бағишлашини тушуниш қийинми? Қаёққа шошаймиз, ахир уйимиз қочиб кетмайди-ку. Ёхуд томошабин маданиятини кўтариш, масъулиятини ошириш бўйича ҳам ҳукумат қарорини чиқариш керакми?

Бутунги кунга бир назар ташланг. Ҳар соҳада туб ислохотлар, янгиликлар амалга ошмоқда, уларнинг самараси ҳам узоқ куттирмапти. Давр шиддат билан яхши томонга ўзгармоқда. Биз ҳам қараб турмайлик. Ислохотни, янгиликни ўзимиздан бошлайлик. Ишда, уйда ва жамиятдаги вазифаларимизни аълога бажарайлик. Яхши нарсалардан неъматлардан баҳраманд бўлганда миннатдор бўлишни, шукрона келтиришни унутмайлик, азиз юртдошлар!

Муаттар АСКАРОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
журналист

АГАР ОЛОЛМАСА ҲАЁТДАН ТАЪЛИМ, УНГА ЎРГАТОЛМАС ҲЕЧ БИР МУАЛЛИМ.

Инсон бу дунёда ниманидир йўқотиш эвазига ниманидир топади. Сиз йўқотганингизга эмас, балки нимани топанганингизга аҳамият беринг. Йўқотганингиз балки сизнинг НАФСИНГИЗ, топанганингиз эса ХИДОЯТИДир...

Яхши дўстлар бамисоли юлдузга ўхшайди. Баъзида уларни кўра олмасангиз ҳам борлигини ҲИС этиб турасиз. Бир дўстим «Ўзимдан ҳам кўра сояни кўраман», — деганди. Сабобини ҳамон ўйлайман: соянигиз ҳеч нарсасига таъма қилмай, умр бўйи изингиздан юргани учун-ми?!

Донолар бисотидан

Ишонч йиллар давомида қозонилади, йўқотиш учун бир он кифоя. Дейлик, дўстинг қанчалар яхши бўлмасин, қуни келиб, сени ранжитиб қўйиши мумкин. Сен эса, ҳар сафар кечира олишинг даркор.

Бир-биримизга доимо энг ширин сўзларни айтишимиз керак. Балки, уларни сўнгги бора кўриб тургандирмиз...

Фақат чой, кўрпа-ўрин, қўлқоп иссиқ бўлмайди, муносабатлар, мактублар, сўзлар ва таскинлар, дийдорлашув каби ҳаётнинг бебаҳо онлари ҳам инсон қалбида иссиқлик олиб киради... Бу МЕҲР деб аталади. Айнан шу куч бизни орзу қилмоққа, мақсадга интилоққа, ҳаётни севишга ундайди.

Мансур Юнус

АЛЛОМАЛАР ВАҚТ ИСРОФИ ҲАҚИДА

Вақтинг кетди — нақдинг кетди.

Вақтни сотиб оладигон бозор йўқ.

Босилган қадамларни вақт йўлайди.

Одамлар вақтга қарайди, вақт эса ҳеч кимга.

Дано вақтини қизғанади, нодон нақдини.

Вақт ишонтирмайди ҳам, алдамайди ҳам.

Одамни вақтсиз синаб бўлмайди.

Яширилган сирни вақт очади.

Вақтдан ортда қолмаслик — давр талаби.

«Саодат йўли» китобидан

HURRIYAT

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳо: келишилган нархда

Телефон:
(0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91

Топширилган вақти — 20⁰⁰
Топширилди — 18⁰⁰

Манзил: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz; gazhurriyat@mail.ru

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.

Набатчи: Бекмурод Абдураимов

«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.